Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 23 июнь, чоршанба • № 50 (11.133) •

XXI АСР САРИ

ОДДИЙ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Президент Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган икки кунлик сафари моҳиятини, назаримда, шу уч сўз аниқроқ ифодалайди. Содда қилиб айтганда, Президентнинг вилоятларга ташрифини раҳбарлар иштирокидаги расмий йиғилиш, кескин танқидий руҳдаги маъруза, кимнидир ишдан олиб, бошқа бировни тайинлашдек маросим сифатида бирёқлама тушунувчилар учун бу кутилмагандек ҳол эди.

Аслида Президентнинг ҳам давлат раҳбари, ҳам инсон сифатида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилаётган ислоҳотлар ташаббускори, ташкилотчиси, тақдирдоши эканлигини назарда тутсак, сафардан кўзда тутилган мақсад -- қишлоқда ислоҳотлар жараёни, оддий одамлар турмуши билан янада яқинроқ танишиш эканлиги ойдинлашади.

Икки кун давомида йўлбошчимиз Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги "Айритом" божхона фаолияти, мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларидаги аҳвол билан танишди. Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қамаши, Яккабоғ туманлари далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароитлари, муаммолар билан қизиқди. Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида бўлиб, ёш қурувчилар билан учрашди, уларнинг ишлаш ва яшаш, маданий-маиший шароитларини сўраб-суриштирди.

Умумлаштириб айтганда, **сарҳадларимиз дахлсизлиги, деҳқончилик ва деҳқонларга яратиб берилаётган эркинлик, иқтисодиётни эркинлаштириш** билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берди.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш -- давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бугун сарҳадларимиз замонавий қуроллар билан жиҳозланган, ҳар қандай тажовузкорнинг эсини киритиб қўйишга қодир қуролли кучлар ҳимоясида.

Лекин тинчлик, барқарорлик тушунчаларининг маъноси янада кенгроқ, чуқурроқ. Президент сафар давомидаги учрашувларда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида урғу берди. Тинчлигимизга раҳна солишга уринаётган ҳар хил ёт таъсирлардан фарзандларимизни асраш ҳам тинчлик ва барқарорлик учун курашдир.

Яшаб турган жойидаги осойишталик учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро, бутун жамоатчилик масъулдир, деди Президент. Ичимиздан чиққан ақли ноқислар, қалби мажруҳлар бўлмаса, бизни четдан келиб ҳеч ким енголмайди. Пировардида, бу фикрни оддий одамларга, деҳқонларга яқин тилда тушунтирди: ғалла бажарилмаса кечириш мумкин, пахта бажарилмаса кечириш мумкин, лекин тинчликни сақлашдаги лоқайдликни кечириб бўлмайди!

Дарҳақиқат, тинчлик бўлса, деҳқон даласига "қўш" чиқаради, бамайлихотир уруғ қадайди, рўзғорига қут-барака киради. Олтиндек товланиб ётган ғаллазорлар, ям-яшил пахта пайкалларида одатий юмушлар билан банд одамларни кўздан кечирган киши бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлиши, шубҳасиз.

Сурхондарёлик деҳқонлар ҳам, қашқадарёлик миришкорлар ҳам бугун дон шопирмоқда. Қувончлиси шуки, деҳқончиликнинг оилавий пудрат, фермер ва деҳқон хўжаликлари каби янги усуллари яхши самара бераётир, ҳаётдан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Энг муҳими, деҳқоннинг қиёфаси, дунёқараши ўзгармоқда, улар онгида меҳнат туфайли фаровон ҳаётга эришиш мумкин, деган бозор иқтисодиёти талабларига мос тушунча, кайфият қарор топаётганлиги сезилиб турибди. Эндиликда улар бундан 8-9 йил бурунги эрксиз, қилган меҳнатига яраша даромадидан маҳрум, ўз меҳнатига ўзи бефарқ колхозчи эмас. Бугун унинг қайишадиган ўз ери, жони ачийдиган ўз мулки бор.

Қамаши тумани "Чим" ширкат хўжалигида оилавий пудратчи бўлиб ишлаётган Абдумурод Бозоров шундай деҳқонлар сирасидан. 6 кишидан иборат оилавий пудрат аъзоларининг 15 гектар ғалла, 12 гектар пахта майдони бор. Шу кунгача ғалладан 42 центнердан хирмон кўтарди. Ўтган йили ғалланинг ўзидан 10 тонна даромад кўрди, пахтадан олган соф фойдаси 154 минг сўмдан ошди. Бу йил ўтган йилдагидан анча-мунча зиёд даромадни чўтлаб турибди.

Механизатор Жўрахон Маллаев шу куни Бозоров даласида ғалла ўраётган экан. Қорувли, ишлаб чарчамайдиган йигит.

-- Йигирма беш йилдан бери механизатор бўлиб ишлайман, -- дейди у. -- Икки йилдан бери "Кейс" ҳайдайман. Жоннинг ҳузури экан. Кабинаси озода, салқингина. Радиоси сайраб туради. Юзталар канали бор-ов. Ҳар куни ўн соатлаб ишлайман. 30-35 гектар майдонда ғалла ўраман. Чарчаш нима билмайман. Шамолми-тўзонми, ишлайвераман.

Мустақиллик бўлмаса техниканинг бундайчайин зўри қаёқда эди? "Нива", "Енисей" деганларини ҳам кўрганман. Донни сомонга ўтказиб юбораверарди.

Хулласи, ҳаётимдан розиман. Қамаши МТПси билан шартнома тузганман: гектарига 100 сўм пул, 1 кило буғдой оламан.

Жўрахон бу гапларни Президент "Кейс"га миниб, ўримда иштирок этганларидан аввал айтиб берди. Президент комбайндан тушгач, Жўрахон Маллаев, шоирона қилиб айтганда, "тулпор"ини ғаллазорнинг нариги четига ҳайдаб кетди. Офтоб нури "Кейс" кабинасининг ойналарида ярақлайди, кўзни қамаштиради, гўё қуёш далада порлаб тургандай.

Мен учун Жўрахоннинг сўнгги таассуротларини эшитиш қизиқ эди. Бироқ вақт тиғизлиги боис йўлга тушдик. Анча вақтгача бир фикр хаёлимдан кетмади. Президент ўрган буғдойдан бир ҳовучини олиб қўйиш эсига келдимикан, ишқилиб? Ахир, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да!

Деҳқонлар билан суҳбат жараёнида бир нарса кўп такрорланди. Бугун дала деҳқонга ўз уйи, ўз ҳовлисидек ардокли. Бу гапни Абдумурод Бозоров ҳам, жарқўрғонлик бригадир Рўзибой Эшназаров ҳам ички бир мамнуният билан айтишди.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, деҳқонни мажбурлаб далага ҳайдаш, буйруқбозлик, зўравонлик қилиш замони батамом ўтиб кетди. Бугун энди деҳқоннинг ўзи далага чиқяпти. Ислоҳотлар даврида эришган энг катта ютуғимиз -- одамларимизда ўз кучига, келажакка қатъий ишонч пайдо бўлди, деди Президент.

Шу билан бирга деҳқонлар эҳтиёжини, шарт-шароитини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш, уларга эркинлик бериш борасида муаммолар талайгина. Бу айрим ўрта бўғин бошқарув ташкилотлари фаолиятига ҳали-ҳали эскича қарашлар соя солиб тўрганини кўрсатади. Бу муаммоларнинг ҳар бирига Президент алоҳида-алоҳида тўхталди.

Хўш, улар нималардан иборат?

Биринчидан, Қашқадарё шароитида, айниқса, Сурхондарё шароитида уруғчилик, яъни ғалла ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ишлар кўнгилдагидек эмас.

Иккинчидан, навларнинг ҳар хил касалликларга чидамлилигини таъминлашга эришилмаётир.

Учинчидан, маҳаллий шароитга мос навлар яратилгани йўқ. Бир сўз билан айтганда, навларни ҳудудлаштириш ишларини жадаллаштириш зарур.

Тўғри, бу ишлар шўролар замонида ҳеч кимни қизиқтирмаган. Эндиликда ота-боболаримизга хос самарали деҳқончилик анъаналари тикланмоқда. Одамларимиз ғалла экишга ўрганиб қолишди. Бу ўринда халқимиз "қўйнидаги қатор-қатор олтинлар тўйғизади ўз эгасин бой қилиб" дея таърифлаган буғдой етиштириш билан боғлиқ асрий тажрибаларни ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас.

Тўртинчидан, қайси уруғни қаерга ва қачон экишни ер шароити, тажрибадан келиб чиқиб, деҳқоннинг ўзи ҳал қилишига имконият бериш зарур.

Бошқарув тизимига боғлиқ яна бир муаммо -- бу деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш, ўғит, техника, ёнилғи билан узилишларсиз таъминлаш, иш ҳақини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, энг муҳими, маҳсулотни ўз жойида сотишни йўлга қўйиш, яъни воситачи ташкилотлар тизимини яратиш.

Учрашувлар, суҳбатлар чоғида ҳар икки вилоятда мавжуд аҳволни янада яхшилаш истиқболи ҳақида гапирар экан, Президент уч муҳим йўналиш -- кадрларга эътибор, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва газ, ичимлик суви билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш орқали аёлларга муносиб турмуш шароити яратишга ҳам кенг тўхталди. Чуқурроқ мулоҳаза юритилса, уч мавзу юқорида таъкидлаб ўтилган -- тинчлик, деҳқончилик ва деҳқонларга эркинлик тушунчаларининг ҳаёт билан боғлиқ мантиқий ривожи эканлиги аён бўлади.

Тўғри, кадрларга эътибор ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи дастлаб сафарнинг биринчи куни -- Сурхондарё вилоятидаги учрашувларда ҳам кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида ёшлар билан бўлиб ўтган қизғин ва ғоят самимий учрашуви, айниқса, ёшларнинг ҳаётдаги ўрни, фидойилиги хусусида қиёсий хулосалар чиқариш учун жиддий асос бўлди.

Олижаноб мақсадлар ҳамиша замонавий, билимли, фидойи кадрларга бориб тақалади. Шундай хислатга эга ёшларни турли поғонадаги раҳбарлик лавозимига келишларини тезлатишимиз керак. Бугун кўп ишларда мен ёш чеҳраларни кўрдим ва бундан хурсанд бўлдим, деди Президент.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ёшлар орасида ижтимоий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, уларни турли экстремистик диний оқимлар таъсиридан асраш зарурлиги, бу кенг жамоатчилик, барча фуқароларнинг бурчи эканлиги хусусида куюниб гапирди.

Президентимиз иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш хусусида сўзлар экан, илгарилари ҳам таъкидлаган уч даъват -- барча тоифадаги раҳбарлар, айниқса, ёшлар учун интилиш, изланиш ва ташаббус ҳаётий маслак бўлиши зарурлигини янги ғоялар, таассуротлар билан бойитиб, яна бир бор ўртага ташлади.

Биринчи даъват -- интилиш. Ҳар бир одам бу ҳаётда яхши яшасам, бошқалардан орқада қолмасам, дейди. Бунинг учун доимий интилиш бўлиши лозим. Одам бир нарсага эришмоқчи бўлса, белни маҳкам боғлаши, курашчан бўлиши керак.

Иккинчи даъват -- изланиш. Янги ҳаёт қуряпмиз. Мақсадимиз тараққий этган мамлакатлардан кам бўлмаслик. Демак, авваламбор, биз уларнинг тажрибасини ўрганишимиз, уларни ўзимизнинг бой анъаналаримиз, қадриятларимиз билан узлуксиз уйғунлаштириб боришимиз зарур.

Шонли ўтмишимиз билан фақат фахрланиб қолмай, яратиш, бунёдкорлик йўлидан бориш -- бу бизнинг мақсадимиз. Инсонда орият бўлиши керак. Кимгадир боқиманда, кимгадир муте бўлиб яшаш бизнинг табиатимизга тўғри келмайди.

Учинчи даъват -- ташаббус. Ўз-ўзига маҳлиёлик, озгина ютуқлар билан кифояланиб қолиш ақлни ўтмаслаштириб, иймонни сустлаштириб қўяди. Одам ҳаётдан қониқмаслиги, тўғрироғи, ҳаётдан эмас, ўзидан норизолик туйғуси билан яшаши лозим: бошқалар яхши яшаяпти, менчи? Мана шу туйғу ташаббусга олиб келади.

Ташаббус тадбиркорлик билан баробар. Ташаббус тадбиркорликка айланса ва қачонки ижобий самара берса, бу қўллаб-қувватлашга лойиқ фазилатдир.

Дарҳақиқат, ёшлик -- интилиш, изланиш, ўзини намоён этишга кучли иштиёқ фасли. Буни Шўртан газкимё комбинати қурилишида меҳнат қилаётган ёшлар мисолида кўриш мумкин.

Илгари бундай иншоотлар тўғрисида фақат орзу қилар эдик, энди эса улар рўёбга чиқмоқда. Сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, танлаган йўлимиз тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин, деди Йўлбошчимиз.

Вилоятнинг турли туманларидан келган бу ёшларнинг келажакда 125 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси -- полиэтилен ишлаб чиқарувчи йирик иншоотни ўз қўллари билан бунёд этаётганликларидан мамнунликлари ёруғ юзларида, маъноли кўзларида яққол акс этиб турарди.

"Ўзбекистонимиз учун ишлаяпмиз!", деди ўзини Каримов деб таништирган йигит. Унинг бу сўзлари кимларгадир баландпарвоз иборадек туюлиши мумкин. Аммо бу сўзларнинг нечоғлик самимий эканлигига ишониш учун Шўртанга бориш, улар билан ҳеч бўлмаса бир бор учрашиб, суҳбатлашиш кифоя.

Катта ишларга дахлдорлик туйғуси одамнинг орзу-умидларини ҳам поклаштириб юборар экан. Мақсади улуғлашган сари одамнинг ўзи ҳам улуғлашиб бораверади. Бу ердаги қайси бир ёш билан суҳбатлашманг, бунга амин бўласиз. Уларнинг мақсадлари аниқ, ниятлари тоза.

-- Топограф бўлиб ишлайман. Ўтган йили ўқишга киролмай қолдим. Қурилиш тугагач, албатта, ўқишга бораман, -- дейди эндигина 18 ёшга кирган йигит Абдурасул Мелиев. Кейин кетиб қолишимиздан чўчигандек шошиб, аммо бироз ийманиб сўрайди: -- Президентимиз билан тушган суратимиздан юборишармикан?

"Юборишади" дейман. Чеҳраси ёришиб кетади, кўзлари порлайди.

Бугун орадан икки-уч кун ўтган бўлса-да, Абдурасулнинг ўша мамнун чеҳраси кўз ўнгимдан кетмайди. Унинг қўлига сурат етиб боргандаги қувончини, ота-онаси, дўсту ёқадиларини, яхши кўрган қизига кўрсатиб ғурурланишини бирров тасаввур қилиб жилмайиб кўяман. Йиллар ўтади, улғаяди, катта одам бўлади. Вақти-соати келиб бобо ҳам бўлар. Шунда у, албатта, ўғиллари, набираларига ўй тўрида осиғлиқ суратни кўрсатиб фахрланади:

-- Мана, бу Шўртан газкимё иншооти қурилиши. Мана, бу киши мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов. Мана, бу мен. Мана, бу йигитлар менинг қурувчи дўстларим!

Шундай манзарани тасаввур қилар эканман, кўнглимдан бир фикр ўтади: **фахрланиш аслида эзгу, улуғ ишларга дахлдорлик, ҳисса қўшишдир!**

Саъдулла ҲАКИМ.
(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 22 июнь сонидан).

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ЗАНГИОТА тумани ҳақида сўз очилганда, аввало, белоён сабзавот далаларида, яшнаган боғ-роғларда, ойнаванд майдонларда турли-туман сарҳил ноз-неъматлар етиштириб, бозорларимизни тўкин-сочин қилаётган захматкаш ва уста деҳқонлар кўз олдимизга келади. Шу билан бирга туман саноат корхоналари, жумладан, хорижнинг таниқли фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма корхоналар кўпайиб бормоқда. Аҳолига тиббий, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

Кейинги йилларда туман ҳудудини янада кўркам ва обод қилиш, аҳолининг турмуш тарзини маданийлаштириш мақсадида йўл ва кўчалар қайта қурилмоқда, маданий-маърифий объектлар, спорт ва ёдгорлик иншоотлари бунёд этилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан туман ҳудудида юз бераётган ана шундай иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ўзгаришлар ҳақида газетанинг иккинчи саҳифасида батафсил ҳикоя қилинади.

ЁШ ЗОБИТЛАР ҚИСМЛАРГА ЙЎЛ ОЛДИ

ЧИРЧИҚ олий танк командирлари билим юртида битирувчиларни ҳарбий қисмларга кузатиш маросими бўлди.

Мазкур ҳарбий билим даргоҳида мамлакатимиз мудофааси учун қатор ҳарбий мутахассис-зобитлар тайёрлаб бериш борасида талай тажриба тўпланган. Якунланган ўқув йилида ҳам ўнлаб курсантлар танкчи мухандислик, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшини ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича зобитлик, шунингдек, чегарачилик мутахассислигини пухта эгалладилар.

Маросимда ўқув юрти битирувчи курсантларига тантанали равишда дипломлар топширилди. Сўзга чиққанлар ёш зобитларга мустақил Ватанимизни муносиб ҳимоя қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги шарафли ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов иштирок этди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

ҚЎШИНЛАРНИ тайёрлаш режасига мувофиқ 1999 йил 22 июндан 26 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг команда-штаб машқлари ўтказилади.

Машқ давомида Мудофаа Вазирлигининг республика пойтахти хавфсизлигини, энг муҳим хўжалик объектлари коммуникацияларини қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлаш, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва таркибини янгилаш доирасида қўшилмалар, қисмлар жанговар қобилиятини ошириш бўйича бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлиги масалаларини такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

СУД МАСЛАҲАТ УЙИГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда давлатимиз раҳбарига, конституциявий тузумга тажовуз қилганликлари ҳамда қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очиқ суд жараёни 18 июнь куни давом эттирилди.

Мажлисда жабрланувчилар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллар, мамлакатимиздаги хорижий элчихоналарнинг ходимлари иштирок этмоқда.

Тарафларнинг музокара сўзлари тингланди. Суд судланувчиларга охирги сўзни берди.

Судланувчилар ўзларининг охирги сўзларида яна бир бор гуноҳкор эканликларини тан олиб, мамлакатимиз Президенти, халқи ва суд ҳайъатидан енгиллик беришни сўрадилар.

Суд судланувчиларнинг охирги сўзларини тинглаб бўлгач, раислик қилувчи суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришлигини билдирди ва 1999 йилнинг 28 июнига қадар танаффус эълон қилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

САНОАТИМИЗ САРДОРИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 50 йиллик юбилейи тантанали нишонланди

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати... Бу ном ҳар бир ўзбекистонлик қалбига ифтихор ҳиссиётларини бахш этади. Биз шундай корхонамиз борлиги билан ғурурланамиз ва фахрланамиз. Ҳақиқатан ҳам у шунга арзигулиқдир. Мамлакатимиздагина эмас, жаҳондаги кончилик иншоотларининг ман-ман деган корхоналари орасида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган бу комбинат ноёблиги билан ажралиб туради. Фақат ишлаб чиқариш ҳажмининг катталиги билангина эмас, ҳар йили миллион-миллион тонналаб нодир қимматли маъданлар қазиб чиқараётганлиги, уни қайта ишлаётганлиги билан ҳам машҳур ва маълумдир.

Комбинатнинг кўпминг кишилик байналмилал ва мустаҳкам оилага бирлашган жамоасининг шижоатга, жонбозликка, фидокорликка тўла кучғайрати, она-Ватанни гуллаб-яшнатиш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга йўғрилган яратувчилик меҳнати тилларда достон бўляпти. Эркини ўз қўлига олган, озодлик, мустақиллик нашидасини суриб, буюк давлат барпо этиш йўлидан ишонч билан олға бораётган мамлакатимз довруғини олам узра таратишга ҳисса қўшаётган корхонанинг юраги ярим асрдан бери бир маромда уриб турипти.

Эллик йил... Кўҳна тарих учун бамисоли мисқолдек гап. Лекин, шу йилларнинг ҳар бири комбинат ишлаб чиқаришида, ривожланишида ўчмас из қолдирди, унинг таржимаи ҳолида зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинди. Шу йиллар ташкил топиш ва камолотга етиш даври бўлди.

Корхонанинг тарихи 1930 йилда бошланган эди. Ўша вақтда бир гуруҳ геологлар Курама тоғи ёнбағрларида ва доволларида қазилма бойликлар конларини излашга киришдилар. Улар Қалмоққир атрофида мис маъдани борлигини, унинг заҳиралари ниҳоятда катта эканлигини аниқладилар ва истиқболли эканлигини исботладилар.

Шундан кейин Олмалиқ мисмолибден комбинатини қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши оқибатида бу ишлар тўхтаб қолди. Уруш тугаши билан бунёдкорлик яна бошлаб юборилди. 1954 йилда Олтинтопган кони ва қўрғошин-рух саралаш фабрикаси фойдаланишга топширилди. Боз устига мис маъдани очиқ усул билан қазиб олинадиган Қалмоққир кони қурилиши бошланди. У жаҳондаги шу турдаги конлар ичида энг йириклиридан бири бўлди. Янги, замонавий фан-техника ютуқлари асосида яратилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Орадан бир неча йил ўтгач мис саралаш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. Айни вақтда мис эритиш заводини бунёд этишга киришилди. У ўзининг дастлабки махсулотини 1963 йилнинг 31 декабрида берди. Бу ажойиб, айтиш мумкинки, тарихий сана шарафига эсдалик медали таъсис этилди. Унда «Биринчи ўзбек миси. 1963 й., декабрь. Олмалиқ» сўзлари ёзилган эди. Шундай қилиб, мамлакатимизда йирик мис эритиш саноати юзага келди.

Бу ерда қазиб чиқарилаётган рангли металлар маъданлари олтингугуртга жуда бой. У эса кимё саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Металлургия корхоналарида олтингугуртни ажратиб олиш технологияси ҳам жорий қилинган. Шу йўл билан ҳар йили юз минглаб тонна шундай хом ашё тайёрланмоқда ва Олмаликда «Аммофос» хиссадорлик жамиятига етказиб берилмоқда. Ундан эса корхонада ишлаб чиқарилган мураккаб таркибдаги маъданли ўғитлар мамлакатимиз деҳқонларининг меҳнати баракали бўлишига хизмат қилмоқда. Кўпминг кишилик бинокорлар жамоасининг бир неча йил давомида сарфлаган кучғайрати туфайли саноатимиз байроқдори ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинати бутун келбати билан қад кўтарди. Йирик саноат маркази Олмалиқ шаҳрининг пайдо бўлиши ва бугунги замонавий қиёфани касб этиши ҳам шу корхона номи билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида комбинатнинг салоҳияти янада кенгайди. Ишлаб турган корхоналарнинг қувватлари узлуксиз оширилиб, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси такомиллаштириб борилди. Ҳориждан келтирилган кўплаб замонавий асбобускуналар ишга туширилди. Натижада, фақат тозаланган мис комбинатнинг асосий маҳсулот турини ишлаб чиқариш салкам уч баравар, мис маъданини қайта ишлаш ҳажми икки баравар кўпайди.

Ҳозирги вақтда корхонада халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Комбинат ҳузурида дам олиш масканлари, соғломлаштириш иншоотлари ва ижтимоий соҳадаги бошқа муҳим ёрдамчи хўжаликлар ишлаб турипти. Бугунги комбинат маъданларни ер остидан қазиб олувчи қатор конларни, бир неча саралаш фабрикаларини, металлургия заводларини, катта-катта энергетика ва транспорт тизимларини, ижтимоий соҳанинг ўнлаб иншоотлари — масканларини бирлаштирган ноёб саноат мажмуидир.

Комбинат ўтган ярим аср мобайнида 4 миллион тоннадан ортиқ тозаланган мис, 2,7 миллион тонна металл рух, 1,4 миллион тонна қўрғошин концентрати, 21 миллион тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарди. Бу маҳсулотлар айрим турларининг муайян қисми чет эл бозорида сотилиб, мамлакатимиз валюта жамғармасининг бойишига салмоқли улуш бўлиб қўшилди.

...Комбинатнинг тарихий санасини нишонлашга бағишланган тантанали йиғилиш металлургларнинг маданият саройида бўлиб ўтди. Унда республика Бош вазири У. Султонов кириш сўзини айтди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг комбинат 50 йиллиги муносабати билан юборган табригини ўқиб берди. Сўнгра корхонанинг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ишчи-хизматчиларига давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Тантанали йиғилишда Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Н. Сигедин сўзга чиқиб, корхонанинг ярим асрлик шонли йўлидаги асосий босқичларга тўхталди, жамоани оғир даврларда Президентимиз И. Каримов ва у бошчилик қилаётган Вазирлар Маҳкамаси тўла қўллаб-қувватлаётганлиги ва ёрдам бераётганлиги учун жамоа номидан миннатдорчилик туйғуларини изҳор этди.

Юбилей тадбирларида Россия, Тожикистон, Корея Республикаси, Малайзия, Франция, Исроил, Украина, Англия элчихоналари раҳбарлари, қатор хорижий фирмалар вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали йиғилишда республика бош вазирининг ўринбосари В. А. Чжен, вилоят ҳокими У. М. Мирзақулов қатнашдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ИНСОН МАНФААТИ — ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

ҲАЁТ йил сайин эмас, кун сайин ўзгариб бормоқда. Даврнинг шиддаткор рухи, бозор иқтисоди шароитининг ўзига хос талаблари одамларни кечагидан бошқачароқ яшашга, фикрлашга, изланишга ундаётир. Гарчи бу жараён осон кечмаса-да, азалдан ўта зеҳнли, меҳнаткаш ва тадбиркор бўлган халқимиз мустақилликнинг ўтган қиска даври ичида ўзини ростмана ўнглаб олди. Турмушимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, қурилишлар кўлами, илм-фан соҳасидаги янгиликлар — буларнинг хаммаси ана шу ижодкор халқимиз меҳнатининг самарасидир.

Табиийки, инсон бор жойда эҳтиёж бор. Турмуш тараққиёт босқичига кўтарилгани сайин инсондаги талаб ва эҳтиёжлар ҳам ўз-ўзидан ўсиб боради. Одам яхшироқ яшагиси, қулай ва шинам иш ўринларида ишлагиси, кўпроқ даромад орттиргиси, бўш вақтларида мазмунли дам олгиси келади. Албатта, давлатимиз мустақилликка эришгач, ўзининг бош сиёсатини ана шу нарсага — инсон манфаатларини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланган демократик жамиятни барпо этишга қаратмоқда. Кейинги йилларда Президентимиз ва ҳукумат томонидан чиқарилаётган бир қатор фармон ва қарорларни эслашнинг ўзи кифоя: 1998 йил мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди ва мана шу дастур асосида жуда кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилди. Биринчи навбатда аҳоли саломатлигига эътибор бериш, ночор оилаларга ижтимоий ёрдамни кучайтириш, ҳар жиҳатдан намунали оилаларни кўпайтириш, тадбиркор фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа муҳим тадбирлар ана шулар сирасига киради. Бу йил эса «Аёллар йили» сифатида ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар давлатимизнинг қиёфасини янада чуқурроқ ифодаламоқда. Яъни: буюк келажак сари бораётган давлат эртанги кун кишиларини тарбияловчи оналарни улуғлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, аёлларга ғамхўрликни ошириш орқали ўз пойи-илдизини мустаҳкамлаётир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади».

Албатта, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнаткашлар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бевосита масъул бўлган энг ишончли ва энг оммавий куч — касаба уюшмаларидир. Аслида касаба уюшмалари кириб бормаган бирор тармоқ ёки соҳанинг ўзи йўқ. Аммо мен бугунги суҳбатимиз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг кейинги йилларда, айниқса, Аёллар йилида олиб бораётган ишлари ва режаларига бироз тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлайман.

Аввало, жамиятнинг барча бўғинларида бўлгани каби, касаба уюшмалари тизимида ҳам ислоҳотлар давом этмоқда. Касаба уюшмалари мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фаровонлигини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини жойига қўйиш, сингари демократик жараёнларни амалга оширишда, бу борада белгиланган кенг кўламли тадбир ва дастурларни бажаришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастурнинг бажарилишида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар. Жойларда аёллар меҳнатини қадрлаш ёки унинг жамиятда тутган ўрнини ошириш борасида умумий тадбирлар билан кифояланиб қолмасдан, ҳар бир жамоада ўз шароити ва имкониятидан келиб чиққан уларнинг меҳнатини енгиллаштириш чоралари ҳам кўриляпти. Ахир, гап ёшлар тарбияси ва тақдири ҳақида кетар экан, бевосита уларнинг бош тарбиячиси — онани қадрлаш, қўллаб-қувватлаш ва жамиятнинг фаол кишиси бўлиши учун имкон яратиш ҳам бугунги кун талабидир. Шуни таъкидлаш керакки, вилоятимиздаги бир қатор корхона, ташкилот ва муассасаларда бу масалага кенг эътибор ва масъулият билан ёндошилмоқда. Масалан, вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, корхонада ишлаётган аёлларнинг маошини тўлиқ сақлаб, иш вақтини уч соатгача қисқартиришга эришди. Бўстонлиқ тумани, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ҳам шундай имтиёзга эга бўлган корхона ва ташкилотлар кўпайиб бормоқда. Кимё саноатида, конларда, геология, энергетика соҳаларида ишловчи, мактаб ёшида боласи бўлган аёлларнинг ўқув йили бошланишида иш ҳақи сақланган ҳолда бир кун ишдан озод қилиниши ҳам ана шундай ғамхўрликнинг намунасидир. Ҳозир конлардаги зарарли, оғир шароитли участкаларда ишлаётган хотин-қизлар моддий манфаатдорлигига таъсир этмаган ҳолда енгилроқ иш жойларига ўтказилмоқда. Ангрен шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси ва шаҳар босмахонасида амалга оширилган яна бир хайрли иш кўплар учун ўрнак бўлса арзийди, деб ўйлаймиз. Босмахонада меҳнат шартномаларига шундай илова киритилган:

— босмахонада ишловчи аёлларнинг иш вақти ярим соатга қисқартирилади;

— барча аёллар ойнинг исталган бир кунида иш ҳақи сақланган ҳолда дам олишларига рухсат берилади;

— уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар уларнинг хоҳишларига кўра, йилнинг қулай даврида меҳнат таътили олишлари мумкин;

— ҳар бир ишловчи аёлнинг оилавий шароитлари ҳисобга олиниб, зарур ҳолда моддий ёрдам кўрсатилади, санаторий ва профилакторийларда даволаниш учун йўлланмалар ажратилади. Даволанишга муҳтож хотин-қизларга дори-дармонлар корхона ҳисобидан бепул берилади;

— босмахонада ишловчи аёллар 1999 йил учун газета-журналларга бепул обуна қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай тадбирларни амалга оширишда касаба уюшмалари ходимлари фаол иштирок этмоқдалар, янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Мана, бунга яна бир мисол. Вилоят таълим-тарбия муассасаларида хизмат қилаётган кам таъминланган, кўп фарзандли, камқонлик касалига чалинган аёллар аниқланиб, уларга туман ва шаҳар касаба уюшма қўмиталари томонидан 210 минг сўмлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. «Тошвилоятйўловчитранс» концернида «Аёл фонди» ташкил этилганлиги эса жойлардаги раҳбарларнинг хотин-қизлар меҳнатига, уларнинг тақдирига бефарқ эмасликларидан далолат беради. Концернга қарашли барча автокорхоналарда аёлларнинг ўртача ойлик маошлари сақланган ҳолда қисқартирилган иш кунлари жорий этилган. Жойларда, шунингдек, саломатлик, ҳуқуқий, маънавий-маърифий мавзуларда турли суҳбатлар, танловлар, кечалар ҳам ўтказиляпти.

Соғлиқ — туман бойлиги, деган эски нақл бор. Меҳнаткашларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш, бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш — биз касабачиларнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу соҳада мустақил юртимизда ҳар йили катта маблағлар эвазига соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. Ўтган йили худди шу мақсадда 433 миллион сўмлик маблағ сарфланган бўлса, 1999 йил охиригача бу рақам 835 миллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Ана шунинг ўзиёқ бу соҳага эътиборнинг қай даражада юқори эканлигини изоҳлай олади.

Олдимизда нафақат аёлларнинг, балки эртанги кунимиз эгалари бўлган болаларнинг соғлигини ўйлаш, уларнинг ақлан ва жисмонан бақувват ўсишлари учун шароитлар яратиш каби муҳим вазифалар ҳам турибди. Сир эмас, ҳар қандай режани амалга оширишда муайян маблағга таянилади. Бироқ қатор ташкилот ва корхоналар томонидан ижтимоий суғурта тушумлари ўз вақтида ўтказилмаётгани туфайли маълум қийинчиликлар юзага келмоқда. Аммо шунга қарамай, муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаяпмиз. Ҳозиргача беш минг ишчи-хизматчи, шу жумладан 125 нафар она-бола санаторийларда дам олди, уч минг киши оилавий дам олиш уйларида ҳордиқ чиқардилар, тўрт минг ишчи, айниқса шароити оғир бўлган кишилар имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. 1999 йилда, агар аниқ айтадиган бўлсак, санаторийларда тўрт минг ишчи-хизматчи, дам олиш уйлари ва оилавий пансионатларда минг киши, санаторий-профилакторийларда 22 минг киши, соғломлаштириш лагерларида 22 минг бола дам олади, бунинг учун 700 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

Тўғри, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ҳамма соҳада ҳам ўзига яраша қийинчиликлар бор. Касаба уюшмалари бундан мустасно эмас. Аммо гап — мавжуд муаммоларни тадбиркорлик билан енгишда, эртанги кунни дадил қадамлар билан кутиб олишда. Ахир биз ўз эркига эга бўлган мустақил давлат кишиларимиз. Ўзимиз ҳақимизда қандай қайғуришни, маблағимизни қандай сарфлашни, болаларимизни қайси йўлдан етаклашни, келажагимизни қандай қуришни ўзимиз ҳал қиламиз. Шундай экан, бугунги кундаги улуғ мақсадларимиз, инсон тўғрисидаги, мустақил жамият тўғрисидаги орзу-ниятларимиз амалда ўз ифодасини топмоғи лозим. Бу борада давлатимиз катта имкониятлар ва имтиёзлар бераётган касаба уюшмаларининг роли ошиши, у чиндан ҳам энг ишончли ва энг оммавий куч сифатида одамлар орасига кириб бориши зарур. Биз бутун кучимиз ва фаолиятимизни ана шу нарсага қаратамиз.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси.

ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧДИ

ЗАНГИОТА сабзавотчилик ва иссиқхоналарда деҳқончилик қилиш ҳар томонлама кенг ривожланганлиги билан вилоятдаги бошқа туманлардан ажралиб туради. Бугунги кунда туманда 19 та жамоа хўжалиги ва фермерлар уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Айрим илғор хўжаликларда сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 350 центнерга етказилди.

Хўш, ҳосилдорликнинг бундай юқори ва барқарор бўлишига қандай қилиб эришилди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришар экан, юқори ташкилотларга шунчаки номига ҳисобот бериш учун эмас, балки бевосита далада меҳнат қилиб, амалда бойлик яратаётган ҳар бир меҳнаткашнинг моддий манфаатларини рўёбга чиқаришни назарда тутди. Бунинг учун ҳамма хўжаликларда оила пудрати усули тўла жорий этилди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, у ҳар бир деҳқоннинг даромадини нақд қилиб қўяди. Демак, муайян оиланинг турмуш даражаси, фаровонлиги фақат шу оила аъзолари меҳнатига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оила пудрати хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишнинг ҳам хўжаликнинг умумий бюджетига, ҳам оиланинг ўзига юқори даромад келтирадиган энг мақбул усулидир.

Иккинчидан, туманда Президентнинг мавжуд жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантириш борасидаги кўрсатмалари ва йўл-йўриқларига амал қилиниб, бу янгилик босқичма-босқич жорий этилмоқда. Хўжалик тузилишининг бу шакли ширкатнинг барча аъзолари манфаатлари билан хўжаликнинг умумий манфаатларини уйғунлаштиради. Айнан мана шу ширкат хўжаликларида унинг ҳар бир аъзосининг мулкий пай улуши жорий этилади ва бу деҳқонларнинг ерга, хўжаликнинг умумий мулкига, жамоа даромадининг маълум бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бундай янгиланишлар рисоладагидек изга тушиб бораётганлигини 1998 йил якунлари бўйича ширкат хўжаликларига айлантирилган «Ўзбекистон» ва «Иттифоқ» хўжаликлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Ширкатга ўтишнинг дастлабки босқичида хўжаликнинг мулкий пай улушига даъвогарлар аниқланиб, рўйхати тузиб чиқилди. Бунда илгари шу хўжаликда ишлаб, пенсияга чиққан кишилар ҳам ҳисобга олинди. Хўжаликни ширкат шаклида қайта тузишни амалга оширувчи комиссия ҳар бир пайчининг хўжаликка қўшган (пенсионерлар) ва қўшаётган (ҳозир ишлаб турганлар) ҳиссасига қараб, пай улушини белгилади ва бу ҳақда уларга гувоҳнома берилди. Йил якунида ҳар бир пайчи хўжаликнинг умумий соф даромадидан ўз пай улушига мутаносиб ҳолдаги дивиденд-га эга бўлади.

Пудратчи оилалар билан ширкат хўжалиги бошқаруви ўртасида шартнома тузилган бўлиб, унда пудратчилар экадиган экин турлари, ер майдони, ҳосилдорлик, хўжаликка топшириши лозим бўлган маҳсулот миқдори аниқ кўрсатиб қўйилган. Бундан ташқари пудратчи оилалар учун алоҳида шахсий ҳисоб варағи очилган. Унда йил бошидан бошлаб ҳар бир пудратчи оиланинг сарф-ҳаражатлари қайд этилиб, ҳисоб-китоб қилиб борилади. Кейинчалик, маҳсулотлар бирин-кетин пишиб етилиб, топширила бошлангач, уларнинг даромадлари ҳам ана шу шахсий ҳисоб варақка ёзиб борилади. Барча ҳисоб-китоб ишларини ширкат хўжалиги қошида ташкил этилган молия маркази олиб боради.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг мулкий пай жамғармаси 9 миллион 730 минг сўм миқдорида белгиланди. Шундан 10 фоизи пенсионерларга тегишлидир.

Ширкат хўжаликларининг раҳбар ва мутахассислари аъзоларнинг умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан сайланган ва ҳар бирининг ваколати, вазифа ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, бош бухгалтер ширкатнинг молия марказига раҳбарлик қилади. Мулкий пай аъзоларининг шахсий ҳисоб варақларини очиб, чек усулини қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб юритади. Йил якунида тўланадиган дивидендларни ҳисоблаб чиқаради. Бош ҳосилот ва бош муҳандис зиммасига оилавий пудратчининг маъмурият билан тузган шартномасида кўрсатилган агротехника тадбирлари ва техника хизмати кўрсатиш вазифаларининг ўз муддатларида узлуксиз бажариб борилишини таъминлаш юклатилган.

Ҳар икки ширкат хўжалигида аҳоли истиқомат жойларида қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Хонадонларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш муаммолари тўла ҳал этилган. Шифохона, боғча, тез ёрдам ва бошқа маиший хизмат шахобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик ширкатларининг асосий фаолияти сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда уруғчилик билан жиддий шуғулланиш, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва давр талаблари даражасида бежирим, чиройли қадоқлаш, бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш орқали тобора кўпроқ даромад олиш ва шунинг ҳисобига аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда тўмандаги яна иккита хўжалик — «Наврўз» ва «Зангиота» жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жамоа аъзоларининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган умумий йиғилишларида шундай қарор қабул қилинган эди. Хўжаликни қайта тузиш комиссияси пай улушига даъвогарларни аниқлаб, улар рўйхатини тайёрлаш, жамоа мулкини қайта хатлаш, ернинг баҳосини аниқлаш, ширкат хўжалигининг Устав ва бошқа низомий ҳужжатларини тайёрлаш масалаларини кўриб чиқди. Келгуси йил январидан бошлаб, бу икки хўжалик ҳам ширкат мақомида иш юритишга киришади.

Жумладан, «Наврўз» жамоа хўжалигида пай улушига даъвогарлик қилиши мумкин бўлган 501 аъзонинг ўн йил давомида ишлаб топган даромади, умумий меҳнат стажи ҳақидаги маълумотлар тайёрланди. Шунингдек, хўжаликнинг собиқ аъзоси бўлиб, пенсияга чиққан 483 кишининг меҳнат стажлари аниқланди. Бўлажак ширкат хўжалигининг мол-мулки, шу жумладан асосий воситалар ва айланма маблағлар хатланиб, қайта баҳоланмоқда. Вилоят ер тузиш бўлими билан биргаликда хўжаликнинг суғориладиган ерларини баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

Зангиотанинг бошқа туманлардан ажралиб турадиган яна бир ўзига хос томони шундаки, хўжаликларда иссиқхоналар тармоғи кенг ривожланган, бу соҳада катта тажриба орттирилган. Тумандаги жами иссиқхоналар 77 гектар майдонни эгаллайди. Ёпиқ майдонларда асосан сабзавот маҳсулотлари ва цитрус мевалари етиштирилмоқда. Бундан ташқари, туман асосан сабзавотчиликка ихтисослашган бўлгани боис иссиқхоналарда кўчат етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Айниқса, хусусий иссиқхоналар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозир уларнинг майдони 31,6 гектарга етди. Енгил типдаги иссиқхоналарнинг ҳар гектарида ўртача 600-800 центнердан сабзавот ҳосили етиштирилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар иссиқхона 4,5 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача даромад келтирмоқда. Бундан туман бюджетига ҳам мўмай даромад тушяпти.

Туман ҳокимлиги кейинги йилларда турли тармоқ объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни кунларда 31та мактаб, 37та боғча, 17та тиббиёт ва 47та клуб ҳамда кутубхона муассасалари ишлаб турипти. Биргина 1998 йилнинг ўзида иккита автосервис, 50дан зиёд савдо шахобчаси, учта маиший хизмат муассасаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Республика Президентининг чет эл сармояларини кўплаб жалб этиш борасидаги даъватига туманда амалий жавоб беришга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги кунда Назарбек қишлоғида Ўзбекистон-АҚШ, Ўзгариш қишлоғида Италия ва Россия ҳамкорлигида барпо этилган «Фар-Итал», Ўртаовулда «Ландертехник-Тошкент» ўзбек-немис қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда жами 87 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳокимлик туман иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан бир қаторда аҳоли истиқомат жойларини ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашларни янада самаралироқ ишлашга, туманни ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишга рухлантирмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» *йўқламаси*

ЗАНГИОТА

НИЯТИМИЗ — ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

БОЗОР муносабатлари нафақат раҳбар, балки оддий ишчилардан ҳам тинимсиз изланиш, талаб ва эҳтиёжни ўрганиб, шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этадиган табиий тамойил эканлигини ўз жамоамиз мисолида яққол кўрмоқдамиз. Омбор учун эмас, мижоз учун маҳсулот тайёрлашни изчил йўлга қўймаган корхонанинг истиқболи йўқ эканлигини бугунги шарт-шароитлар амалда тасдиқламоқда.

БИЗНИНГ акциядорлик жамиятимиз қишлоқ хўжалик техникалари учун гидронасослар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Аммо шу билан чекланиб қоладиган бўлсак, давр билан ҳамнафас ишлолмаймиз. Шуни ҳисобга олиб, мавсуми келганда барча қишлоқ хўжалик техникалари учун энг зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беришни йўлга қўйганмиз. Масалан, ҳозир ғалла ўрими пайти. Цехларимизда дон комбайнлари учун керакли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бошқа мавсумда эса, ҳатто, ўрта таълим мактаблари учун парталар таёрлаб сотяпмиз.

Бозор иқтисодиёти баъзи ўринларда тавакалчилик қилишни ҳам тақозо этади. Лекин бунда ишончли асос ҳам бўлиши керак. Шу боис биз аввал мижозларимизнинг талабларини ўрганиб, сўнгра, албатта, шартнома тузамиз, шундан сўнггина маҳсулот ишлаб чиқаришга киришамиз. Шунинг учун омборларимизда ҳеч қачон маҳсулот туриб қолмайди.

Иш шу зайлда ташкил этилганлиги туфайли даромадимиз ҳам барқарор. Чунончи, шу йилнинг ўтган беш ойида 52 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик маошлари 12-15 минг сўмданга тўғри келмоқда. Айрим юқори малакали ишчиларимиз эса ойига 25 минг сўмга етказиб иш ҳақи олишяпти. Лекин бу ҳаммаси эмас. Жамоамизда 200га яқин акциядор меҳнат қилади. Айрим ходимларимиз мингтагача акция эгаси. Ҳар бир акциянинг қиймати 100 сўм. 1998 йилги соф даромад ҳисобидан ҳар бир акция учун 82 сўмдан дивиденд тўладик. Ана энди ишчи-хизматчиларимизнинг фақат дивиденднинг ўзидан қанча даромад олаётганларини ҳисоблаб кўринг-а!

Лекин ички бозорда ҳар қанча мавқега эга бўлмасин, ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилишни кўзламайдиган корхонанинг келажаги бўлмайди. Биз эндиликда ана шу мақсад йўлида изланмоқдамиз. Бунинг учун, аввало, ҳорижий ҳамкорларга эга бўлишимиз керак. Яқинда «Ungroup» ўзбек-нидерланд қўшма корхонаси билан шартнома туздик. У корхонамизнинг 350 минг долларлик акцияларини сотиб олиб, бизнинг доимий акциядоримизга айланади. Бу маблағ ҳисобидан у бизни замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шу асосда янги цехлар очамиз, мавжудларини кенгайтирамиз. Иккинчидан, кўплаб қўшимча ишчи ўринлари очилади, маҳсулот кўпаяди, сифати яхшиланади. Натижада ишлаб чиқарилаётган айрим турдаги маҳсулотларимизни экспорт қилиш имконияти ҳам туғилади. Бунинг учун ҳозирдан ҳаракат қилмоқдамиз. Айни кунларда Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томони билан ўз маҳсулотларимизни етказиб бериш юзасидан музокаралар олиб бормоқдамиз. Ишончимиз комилки, бу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини беради ва бу Юртбошимизнинг жаҳон бозорини кўзлаб фаолият юритиш борасидаги кўрсатмаларига амалий жавобимиз бўлади.

Ўткир САЙФУРОВ,
«Гидравлика» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

• «ГИДРАВЛИКА» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ў. Сайфуров ташкилий ишлардан холи вақтини ишчилар орасида ўтказишга одатланган. Чапдаги суратда кўриб турганингиздек, у фрезерловчи Йўлдош Хошимов билан ҳозиргина тайёрланган эҳтиёт қисм сифатини кўздан кечирмоқда.

• «ДЎСТЛИК» паррандачилик акциядорлик жамияти пархез гўштга йўналтирилган наслли тухум ва бир кунлик жўжалар етиштиришга ихтисослаштирилган. Суратда: катта оператор Татьяна Сергеева иш устида.

• «БЎЗСУВ» жамоа хўжалигида маккажўхори етиштиришнинг ҳаддини олган доҳқонлар оз эмас. Жумладан, Сафарали Темирбеков бригадасида ҳар йили маккажўхоридан мўл хосил олинади. Суратда: (чапдан ўнгга) хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раҳматилла Дўстмухамедов Сафарали Темирбеков бригадаси даласида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АЛИШЕР... ЎЗ ФИКРИНИ ДЕР

ХИЗМАТ юзасидан тез-тез вилоятдаги хўжалик раҳбарлари билан учрашиб, мулоқотда бўлиб тураман. Айримлар бор, бундай қарасангиз, ишлари яхши, силлиқ кетаётгандек кўринади. Уларнинг фикри-ёди юқорининг айтганини ўз вақтида бажариб қўйса бўлгани. Фалсафалари ҳам ўзига яраша: «Нима қиламан калаванинг учини чувалаштириб, режани бажарсак, гап эшитмасак, бўлгани-да».

Лекин Зангиота туманидаги «Бўзсув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси, қирчиллама 50 ёшга тўлган Алишер Ғаффоровнинг феъл-атвори, фикрлаши, бутунлай бошқача. Унинг ўз сўзи, ўз мулоҳазалари бор. Қачон у киши билан суҳбатлашмайлик, бир гапни такрорлайдилар: қанча еримиз борлиги, қанча ҳосил топшираётганлигимизни ёзиб нима қиласиз, ҳаммаси бор гаплар, мен сизга айтсам, ишимизга ҳалақит бераётган, ўзимиз ҳал этишга кучимиз етмаётган муаммолар ҳақида ёзинг, зора, мутасаддилар эшитиб, мушкулимизни осон қилишса!..

— Гап эшитиб қолишдан қўрқмайсизми, — деб сўрайман атайлаб.

— Нега энди, — дейди у жиддий тусда. — Бунга анча бўлди. Ойнаи жаҳонда сўзга чиқишга тўғри келиб қолди. Шунда ўзимни қийнаётган масала, биз нене машаққатлар билан етиштираётган сабзавот уруғлари нархи жуда арзонлиги, бу нархни эса юқоридан қўйиб беришаётганлиги ҳақида куюниб гапирдим. Ахир бу инсофдан эмас-ку. Харажатларни, қоладиган фойдани ҳисоблаб, деҳқоннинг ўзи нарх қўйиши керак-да!

Табиийки, менинг бу мулоҳазаларим юқоридагиларга ёқмади. Мен ҳам бўш келмадим: бу мулоҳазаларимнинг қаерига қўшилмайсизлар? Агар ноҳақ бўлсам айтинглар, дедим. Индаёлмай қолишди.

... Раиснинг яна бир фазилати бор. Ҳамиша янгилик излайди. Илғор тажрибаларни эринмай ўрганади. Голландиядан келтирилган янги нав картошкани экиш шу хўжаликдан бошланган дейиш мумкин. Ўзи ўша юртга бориб, уруғчилик ҳақидаги билимини, тажрибасини бойитиб ҳам қайтди. Тавсиялар ишлаб чиқди. Бу тавсиялари, тажрибалари кўпгина хўжаликларда жорий этиляпти.

Ана шунақа куйди-пишди, эл ташвиши билан яшайдиган, айримлар таъбири билан айтганда «ғалати феълли» одам. У 32 йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳасида ҳар хил вазифаларда ишлаб келмоқда. Бир неча йилдирки, «Бўзсув» хўжалигини бошқараётир. Хўжаликда ободончиликка катта эътибор берилди. Замонавий, барча шароитларга эга шифохона, поликлиника ишламоқда. Тикув цехида кўплаб қиз-жувонлар меҳнат қилаётир. Энг муҳими хўжаликда аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юз фоиз ҳал этилган.

Хўжалик илгаритдан сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиб, сара уруғ тайёрлаш, картошка етиштириш режаларини ортиғи билан бажариб келяпти. Ғалла нисбатан янги тармоқ бўлишига қарамай, ўтган йили 51 центнердан хирмон кўтарилди. Бу йил 55 центнерни мўлжаллашяпти. Бунда, табиийки, хўжалик сардорининг ташкилотчилик қобилияти самараси намоёндир.

Носир РИХСИЕВ.

Шундайлар бор бўлсин

Миллий матбуот марказида

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

МУСТАҚИЛЛИККА эришган мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида янги йўналиш — халқаро журналистика таркиб топмоқда. Ҳа, қаламкашларимиз халқаро воқеалар ва ҳодисаларга ўзларининг шахсий муносабатларини бемалол айтиш, уларни мустақил ёритиш имконига эга бўлдилар. Халқаро мавзуда қалам тебратиш эса анча мураккаб, масъулиятли ва ниҳоятда нозик ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотнинг «Ўзбекистон ташқи сиёсати ва халқаро воқеаларнинг республика оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуига бағишланганлиги ҳам шундандир. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот-таҳлил маркази халқаро йўналиш гуруҳининг масъул ҳодимлари, Ташқи ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг матбуот хизмати вакиллари, шунингдек, ахборот агентликлари, газеталар, телевидение ва радиода халқаро мавзуни ёритувчи, халқаро шарҳловчи қаламкашлар қатнашдилар.

Учрашувда XXI аср-ахборот асрига қадам қўяётган мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини тезлаштирувчи муҳим омиллардан бири — «ахборот макони»дан муносиб ўрин эгаллаш, бунда энг муҳими, Ўзбекистонни дунёга, дунёни Ўзбекистонга ҳар томонлама танита билиш, мамлакатимиз манфаатларини алоҳида инобатга олиш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида сўзга чиққанлар республикамиз Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, Ўзбекистоннинг жаҳон геостратегияси ва геосиёсатида тутган ўрни, давлатимизнинг халқаро майдондаги фаолияти, минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги асосли ташаббус ва таклифларини, турли халқаро масалалар бўйича тутган мавқеини ҳалқимизга, жаҳон аҳлига тўғри етказиш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Маҳмуд СОБИРОВ.

ДАЛАДАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ

ЎТГАН йилнинг куз фасли. Деҳқонлар сабзавот, қовун-тарвуз экинлари ҳосилини йиғиб олишни ниҳоясига етказаётган пайтда Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида деҳқон-фермер бўлиб фаолият кўрсатаётган Шоаҳмад ота Эгамбердиев билан танишиб қолдим.

Кенг дала. Кузнинг ёқимли шамолида ёш олма, олча ва бошқа мева ниҳоллари аста тебранади. Янги боғ барпо этилаётганлигини ҳис этдик. Сал нарида эса экиндан бўшаган ерлар, этак томонда жарлик, катта зовур, сув шарқираб оқяпти.

— Қаранг, — дейди Шоаҳмад ота, — зовурларни қамиш босиб, сув бекор оқиб ётибди. Ўйладим, фикр қилдим. Нега бу ерда нутрия боқиш мумкин эмас? Озуқасини ташлаб турсангиз бўлгани. Тез кунда кўпаяди, етилади. Териси қимматбаҳо хом ашё. Гўшти ҳам истеъмолга ярайди. Озуқани қаердан оласиз, дейсизми? Ўзимизда тиқилиб ётипти: помидор, бодринг, олма, ўрик меваларининг қолдиқлари... Икки томонлама ютамиз. Исрофгарчиликнинг олди олинади, сарф-ҳаражат камаяди, меҳнатингиз сира ҳам зое кетмайди.

Ота ҳикоясини давом эттиради. Бир йили ойнаи жаҳонда японияликларнинг чорвачилик фермаси иш тажрибаси билан танишиб қолдим: аввало фермадаги иш жараёнлари тўла-тўкис механизациялаштирилганлиги мени лол қолдирди. Молхона ниҳоятда тоза сақланаркан. Қорамолларнинг чиқити тўғридан-тўғри паррандахонага олиб бориб берилади. Товуқлар бу чиқитларни обдон титкилаб, ўзларига керакли «дори-дармон»ларни ейишади. Қолган-қутгани ҳам бекор кетмайди. Катта ҳовуз-кўлларда боқилаётган балиқларга емиш бўлади. Фермада бор-йўғи олти киши ишларкан, холос. Эгниларида оппоқ халат, гўёки шифокорлар дейсиз. Мен ҳам чорвачилик мажмуасини юзага келтирсам ишни шундай ташкил этишни ният қилиб қўйдим.

Афсуски, бу орзуга етиш мушкул бўляпти. Ишларимиз жуда суст кетяпти. Ҳар хил тўсиқлар, қуруқ ваъдаю, натижаси йўқ гап-сўзлар.

Баланд бўйли, гавдаликкина, юзлари офтоб тафтида қорайган отахоннинг оппоқ қуюқ қошлари чимирилди, кўзлари эртанинг ташвиши билан ғамгин тикилгандек туюларди.

Ёши олтмиш бешни қоралаган замондошимиз ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ далага чиққан, деҳқончиликка меҳр қўйган, отаси, онаси, ака-укалари билан ёнма-ён кетмон чопганди. У пайтларда Назарбекнинг ён-атрофлари бийдай дала, бир ҳолатда бўлган.

Замона мулкдори

...Ана, йўл бўйидаги катта чинор тагидан шарқираб ариқ суви оқиб турипти. Икки ёш йигит ерга уйиб қўйилган гул ғунчаларини саралаб, тахлаб, боғлаяпти. Эътиборимизни беихтиёр шийпон атрофидаги катта гулзорга қаратдик. Ҳар хил навли атргуллар, қип-қизил, бамисоли гилам тўшалгандек.

— Мана шу гулзорларнинг ўзидан бир миллион сўмликка яқин даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди Шоаҳмад ота. — Олинган фойда ҳисобига сабзавот сақланадиган омборхона — қишки ертўла қурмоқчимиз. Лекин бизга, нима қиласизлар овора бўлиб, ортиқча сарф-ҳаражат қилиб, хўжаликнинг омборхонасига топширавергинлар, дейишяпти. Нега энди? Деҳқон ўзи тер тўкиб етиштирган маҳсулотини ўз омборхонасида асраб-авайлаб сақлаганига нима етсин!

Иккинчи бир муаммо: бу етиштириладиган сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш масаласидир. Бугунги фермер кўпроқ фойда олишлиги учун, албатта, ўзининг хусусий корхонасига ҳам эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳаёт шуни тақозо этяпти. Бир йили денг, помидордан роса мўл ҳосил олдик. Янгийўлдаги консерва заводига олиб бориб топширдик. Аммо бизга беришган пуллари етиштирган помидоримизнинг таннархини ҳам қоплай олмади. Транспорт харажатлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Шундай бўлгач, ўз даламизга яқин ерда ўзимиз қайта ишлайдиган цех очсак, яхши эмасми? Бунда деҳқон энг асосийси вақтдан ютади. Иккинчидан, етиштирилган хом ашё сифати сира бузилмасдан дарҳол қайта ишланиб, истеъмолчиларга нисбатан арзон нархда етказиб берилади. Учинчидан, кўпгина одамлар иш билан таъмин этилади.

Шоаҳмад ота фермерликнинг ташвишлари ва қувончлари ҳақида яна кўп гапирди. Суҳбат орасида энг долзарб муаммо техника тақчиллигида эканлигини алоҳида таъкидлади. Нафсиламбирини айтадиган бўлсак, туманда фермерлик ҳаракатига бирмунча пайсалланиб муносабатда бўлмоқдалар. Буни ота фаолияти мисолида кўриб гувоҳи бўлдик.

Ўйлаб қоласан киши. Шоаҳмад ота сингари деҳқонларнинг тажрибалари — бу катта ва ноёб бойлик-ку! Нега уларнинг фикрлари билан ҳисоблашмаслик керак? Фермер ихлос қўйиб, тер тўкиб етиштирган маҳсулоти билан бозорга дадил кириб бора олмаса қандай қилиб у ҳақиқий мулкдор бўла олади. Қачонгача у имконият йўқлигидан, моддий ва маънавий зарарлардан нолиб гапиради! Деҳқон-фермерлар етиштираётган маҳсулотлар тўғридан-тўғри истеъмолчига етиб бормасдан «чайқовчилар», «уддабуронлар» қўлига тушиб қолаётганлиги сабаби шунда эмасмикин?!

Яна бир муаммо. Ўрим-йиғим пайтида техниканинг етишмаслиги, ёқилғи-мойлаш материалларининг тақчиллиги-ю, бунинг устига нархи анча қимматлиги етиштирилаётган маҳсулот таннархининг ўсиб кетаётганлигига сабабчи бўлмаяптими? Халқимизни арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш учун нима қилиш керак, қандай чора-тадбирлар кўрилса маъқул бўлади?! Назаримда бу саволга жавоб топилгандек эди. Энг аввало деҳқон-фермерлар йўлидаги «бербер»чилар, чўталчилар, ишлайдиганларга нон тишлатгиси келмайдиганларни олиб ташлаш лозим! Шунда фермер тўла моддий-маънавий, ҳуқуқий асосларга эга бўлади, ўзини эркин, дадил ҳис этади.

— Бизни боғлаб бермаган. Ёшимиз бир жойга бориб қолди, — дейди умрини далада ўтказган Шоаҳмад ота, — истагим шуки, деҳқончилик ҳунарини кўпроқ ёшлар ўрганишса дейман. Улар қийинчиликлардан юз ўгирмай, деҳқончилик маданиятини пухта билсинлар. Ана шунда аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш мумкин бўлади.

Ота ўтган йили 15 гектар ерда салмоқли ҳосил етиштирдилар. Бу йилги режалари янада улкан. Ғайрати кўксига сиғмайдиган отахон иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, қайта ишлаш кичик корхонасини албатта, бунёд этишни мақсад қилиб қўйганлар.

Ҳаёт ширин, унинг ўз қонуниятлари, сиз билан биз билмайдиган сир-синоатлари бор. Булардан бири шуки, одам ёшликда ихлос қўйган, севган касбига бир умр боғланиб қолади. Шунинг учун бўлса керак, кексайганда ҳам аввалги ғайрати унга куч бериб туради, тинч қўймайди. Деҳқон бўлса даласидан кетгиси келмайди. Бу табиий, тушунса бўлади, сабаби дала деҳқоннинг дардини оладиган макондир.

Нурилла АЛИМОВ.

«САРБОН» ХИЗМАТДА

Ҳиссадорлик жамиятларида

БЕКОБОДДА жойлашган бу корхона автотранспортчилари хизматидан фақат шу шаҳарда эмас, балки республикамизнинг турли ҳудудларида ҳам фойдаланмоқдалар. Ҳозир «Сарбон» хайдовчиларини Шўртон кимё комбинати, Жиззах оҳак заводи қурилишида учратиш мумкин. Улар Сирдарё вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам қатнашмоқдалар. Тошкент шаҳри қурилиш ташкилотларига ҳам кўмаклашишяпти. Буюртмачилар уларнинг ишидан мамнун.

Чунки, икки ўртада тузилган шартнома шартлари доим тўла бажариляпти. Шу туфайли жорий йилнинг ҳар бир ойида ўрта ҳисобда 20 миллион сўмдан даромад кўриляпти. Бу олдинги йиллардагидан анча кўпдир.

«Сарбон»чилар ўтган хўжалик йилини яхши якунладилар. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган марралар муваффақиятли эгалланди. Ҳаммаси бўлиб буюртмачиларнинг 2 миллион 227 минг тонна юклари ташиб берилди. Кўрилган умумий даромад эса 215 миллион сўмни ташкил этди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам муттасил ошиб бормоқда. Биргина ўтган йили шу ҳисобдан 6,5 миллион сўм даромад қилинди. Умуман олинган соф фойда 11,9 миллион сўмга етди. Унинг 60 фоизи дивидендлар учун ажратилди. Қолган қисми эса корхонани ривожлантиришга сарфланди. Шунинг ҳисобига янги транспорт воситалари харид қилинди, таъмирлаш базаси мустаҳкамланди, атроф-муҳитни мусаффо сақлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Ёнилғи-мойлаш материалларининг танқислиги бу ерда ҳам сезилиб турипти. Корхона маъмурияти эса бу муаммони ҳал қилиш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Шу туфайли машиналарни газга ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир хўжаликдаги 112та автотранспорт воситаси газ билан ишламоқда. Бунинг учун Наманган шаҳридаги газ ускуналари ўрнатадиган корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу йил ҳам яна 12та юк машинасини арзон ёқилғи билан ишлашга ўтказиш режалаштирилган. Бу қимматбаҳо бензинни кўплаб тежаш, транспорт хизмати харажатларини камайтиришга олиб келди.

Ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, олинаётган фойданинг йил сайин кўпайиб бориши техника тараққиётини ривожлантириш қатори транспортчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни кўплаб амалга ошириш имконини бермоқда. Биргина ўтган йил давомида ички имкониятлар ҳисобига ишчи-хизматчиларнинг маоши 45 фоиз оширилди. Ижтимоий муҳофазага қилинган харажат 35,3 миллион сўмга етди. Бу маблағнинг 3,6 миллион сўми жамоа аъзоларига накд пул билан берилди.

Эҳтиёжманд, кўп болали оналарга ва моддий ночорларга ёрдам беришнинг ҳам янги-янги шакллари топилмоқда. Шу туфайли ўтган йили бундай хайрия ишларига 4,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳар бир транспортчи ойлигига бир қопдан ун, дори-дармонлар харид қилиш учун 3 минг сўмдан пул берилди.

Ишчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий дам олишларини ва бўш вақтлари фойдали ўтишини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиб беришга ҳам эътибор кучаймоқда.

Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги етти хазинанинг бирига айланиб бормоқда. Унинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай ҳозирги вақтда бу ерда 105та қорамол, қўй ва отлар боқилмоқда. Етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари транспортчиларга арзон нархларда сотиляпти. Биргина ўтган йили хўжалик ишчи-хизматчилар дастурхонига 20 тонна сут, 2,5 тонна гўшт етказиб берди. Анъанавий байрамлар арафасида ишчи-хизматчиларнинг ҳар бирига икки килограммдан гўшт тарқатиш одат бўлиб қолди. Корхонага қарашли болалар боғчаси хўжаликдан мунтазам сут маҳсулотлари олиб туради.

Айни вақтда ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Жамиятнинг Зафардаги автоколоннаси ҳудудида бир гектар боғ барпо қилинди. Унда ҳар хил мевали дарахтлар ва лимон ўстирилмоқда. Корхона ҳудудида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Хўжаликни ривожлантириш, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтиришга тўсқинлик қилаётган айрим сабаблар ҳам бор. Уларнинг энг асосийси дебитор қарзларнинг кўпайиб кетганлигидир.

— Биз кўрсатган хизматимиз учун пулни кўп ҳолларда ўз вақтида ололмаяпмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси А. Раҳмонов. — Мижозларимиз орасида қарзни тўлашни пайсалга солаётганлар бор. Дебитор қарзлар ҳажми 50 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Жумладан, «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти, пахта тозалаш заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати катта ҳажмда қарз бўлиб туришибди. Уларнинг айримларига транспорт хизмати кўрсатишни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдик.

Шунга қарамай «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти транспортчилари ўз мижозларига тез ва сифатли хизмат кўрсатишга астойдил интилмоқдалар.

Абдумурод АШУРОВ.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҳиссадорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Ойлик режалар муттасил зиёдаси билан бажарилиб, қурилишларга кўплаб шифер, шлакли блоклар ва бошқа бинокорлик ашёлари юборияпти.

СУРАТЛАРДА: шлакли блоклар цехида (чапда); шиферларни тахловчи Дониёр Қаршиев (ўнгда) ва Музаффар Маматовлар топширқларни доим ошириб адо этишяпти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДИВИДЕНДИ 1,5 БАРАВАР

БУ ЖАМОА ихтиёрига бериб қўйилган фақат турли русумдаги автобусларнинг ўзи тўқсонтани ташкил этади. Бундан ташқари, қатор такси автомашиналари ҳам бор. Улар аҳолига хизмат қилишга, йўловчиларнинг узоғини яқин, юкини енгил қилишга мўлжалланган. Шундай кўп транспорт воситаларига эгалик қилаётган Оқ-қўрғон «Автобус-такси саройи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари қишин-ёзин енг шимариб ишламоқдалар, транспорт хизмати ҳажми ва маданиятини йил сайин ошириб боришяпти.

Мавжуд транспорт саройи қувватидан тўлароқ фойдаланиш улар меҳнати шиорига айланган. Ҳар куни турли йўналишларга етмиштагача автобусларнинг чиқиши таъминланяпти. Йўналишлар ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг сони йигирма бештага яқинлашиб қолди. Шу туфайли йўловчилар ташиш ва пул тушуми ҳажми режада назарда тутилганидан доим кўп бўлмоқда.

— Аҳил ва иноқ жамоамизнинг, — дейди йигирма йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган корхона директори Эркин Назаров, — ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлганлиги, муаммоларни бамаслаҳат ҳал қилаётганлиги, илғор тажриба асосида ишлаётганлиги ютуқларимиз омили бўлмоқда. Транспортчиларимиз бу йил ҳам чакки ишлашмаяпти. Ўтган ойларда барча асосий кўрсаткичлар кутилганидан анча зиёда бўлди.

Жорий йилнинг беш ойи давомида 9 миллион 427 минг йўловчини белгиланган манзилларга элтиб қўйиш режалаштирилган эди. Амалда бунга нисбатан 800 минг кўп фуқаронинг узоғи яқин қилинди. Шунга яраша пул тушумида ҳам баракали бўлди. Беш ойда у 54 миллион 900 минг сўмни ташкил этиши керак эди. Амалда эса тушган маблағ ҳажми 59 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди ёки режа 109,3 фоиз қилиб бажарилди.

Жамоа ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунлаб, катта даромад кўрган эди. Унинг соф фойдаси ҳам бир неча миллион сўмни ташкил этди. Бундан транспортчилар қўшимча манфаат кўрдилар. Уларга ҳар бир акция ҳисобидан 155 сўм 76 тийиндан дивиденд тўланди. Айни вақтда ўртача иш ҳақи ҳам ошиб, 8 минг сўмдан ҳам ортди.

— Жамоамиз ўз сафида ҳайдовчилик ва таъмирловчилик касбини пухта эгаллаган сафдошлари борлиги билан ғурурланади, — дейди жамият раиси. — Улар унумли ва сифатли ишлаш қатори ўзларининг кўп йиллик меҳнатда ортирган бой иш тажрибаларини ёш касбдошларига қунт билан ўргатмоқдалар. Бу билан илғорлар сафи кенгайишига ёрдам беряптилар. Шундай жонкуяр транспортчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда ўз касбининг моҳирлари механик Т. Мавлонов, токар Х. Мавлонов, моторчи Х. Суяров, ҳайдовчилардан Ю. Абдуқодиров, Т. Ҳайдаров, А. Мусоқов, С. Жўраев, В. Волковларнинг номларини тилга олгинг келади. Сафимизда шундай кишилар бўлар экан, ҳар қандай меҳнат марраларини муваффақиятли эгаллайверамиз.

У. УСМОНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● БМТ БОШ КОТИБИ Кофи Аннан Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Женевада бўлиб ўтган йиллик сессиясида 174 мамлакат вакиллари томонидан оғир ишларда болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқловчи конвенцияни якдиллик билан қабул этилганидан мамнунлик билдирди.

● ЛАТВИЯДА президент сайловлари ниҳоясига етди. Сайлов жараёни бироз қийин кечди. Сейм депутатлари беш турда ҳам бир қарорга эриша олмадилар. Ниҳоят, беш нафар номзод орасида энг кўп — 53 овоз олиб, олима Вайра Вите-Фрейберг хоним ғалабага эришди.

● 21 ИЮНЬ куни Вьетнам президенти Чан Дик Лионгнинг Лаосга расмий ташрифи бошланди. У Лаос президенти Кхамта Сибхандон ва мамлакатнинг бошқа расмий кишилари билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди.

● ХИТОЙНИНГ Харбин шаҳрида савдо-иқтисодий ярмарка очилди. Унда МДҲ ва Шарқий Оврупо мамлакатларидан юздан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари қатнашмоқдалар.

● БИР ОЙ муқаддам Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир худудига кириб олган Покистон армияси бўлинмалари секин-аста чекина бошладилар. Эндиликда мазкур минтақадан бошқа тоифадаги жангариларни ҳам улоқтириб ташлаш саъй-ҳаракатлари кўрилмоқда.

● ЭФИОПИЯ ва Эритрея ҳарбий кучлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар давом этди. Эфиопия армияси катта талафот кўрди. Ярадор ва асирга тушганлар 12 минг кишидан ошди. Эритрея томони эса 9 минг аскаридан ажради.

«САККИЗЛИК»НИНГ КАТТА ГУРУНГИ

ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари Олмониянинг Кёльн шаҳри мутасаддилари ва маъмурлари учун анча ташвишли бўлди. Чунки, бу ерда дунёдаги саккизта мутараққий давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Анжуманни, оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан беш минг нафар журналист бу ерга келдилар. Саммит жараёнини тинч ўтказиш ва меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш учун 12 мингдан кўпроқ полициячилар сафарбар этилди.

АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Япония, Франция, Италия, Канада ҳамда Россия давлат ва ҳукумат раҳбарлари Оврупода минтақавий хавфсизлик, ташқи сиёсат ва ижтимоий турғунлик билан бир қаторда Болқон минтақасига тегишли масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Йиғин қатнашчилари ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича вакиллик лавозимига НАТО бош котиби Хавьер Солананинг номзоди тасдиқланганлиги билан уни табрикладилар.

Кёльн саммитига Россия томонидан аввал бош вазир Сергей Степашин ташриф буюрди. Эртаси кун эса РФ президенти Борис Ельцин барвақт анжуман қатнашчилари сафига бориб қўшилди. Кун давомида у Олмония канцлери Герхард Шрёдер, АҚШ президенти Билл Клинтон ва бошқа айрим сиёсатчилар билан учрашувлар ўтказди. Аммо, бу учрашувлар кўнгилдагидек самара бермади чоғи, Россиянинг Косоводаги ҳарбий қисмларига алоҳида минтақа ажратиб бериш масаласи очиқлигича қолди. Россия ҳарбийлари НАТО раҳбарлигида ягона қўмондонлик остида ҳаракат қилишлари лозим, деган умумий фикр билдирилди.

Анжуман охирида Кёльн учрашуви тўғрисида ягона коммюнике қабул қилинди.

НАТОнинг ҚЎЛИДАН КЕЛАДИ

КАВКАЗОРТИ минтақасидаги умумий тинчлик муҳити вақти-вақти билан ларзага келиб турипти. Озарбайжон билан Арманистон, Грузия билан Ажаристон ўртасидаги худудий ва иқтисодий келишмовчиликлар қўшни давлатлар орасидаги сиёсатга раҳна солмоқда.

14 июнь куни Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақасида юз берган қуролли тўқнашув кўпчиликни ҳайратга солди. Ҳатто, БМТ бош котиби Кофи Аннан Арманистон ва Озарбайжонни ўзаро куч ишлатмаслик ҳамда мавжуд келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга даҳлдор чақириқ билан чиқишга мажбур бўлди. БМТ раҳбари низолашаётган томонлардан 1994 йилда эришилган Тоғли Қорабоғда қуролли тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисидаги шартнома талабларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратди.

Эндиликда ихтилофлар силсиласида яна бир халқа вужудга келадиганга ўхшаяпти. НАТО Арманистон-Озарбайжон можароларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Озарбайжон мудофаа вазири Сафар Абиев Италиянинг ушбу мамлакатдаги элчиси Алехандро Фалловаллито билан учрашуви чоғида ана шу фикрни билдирди.

Озарбайжон мудофаа вазирлиги матбуот хизмати вакилининг маълум қилишича, тез кунлар ичида Шимолий Атлантика ҳарбий алянси мазкур тинчлик ўрнатиш жараёнига қўшилиши шарт. Зотан, Озарбайжонга қўшни мамлакат ҳарбийлари томонидан вақти-вақти билан таҳдид қилиб турилибди. Масалан, бир неча кун аввал Арманистон қуролли кучлари бўлинмаси Озарбайжоннинг Тертер туманидаги ҳарбий истеҳкомни босиб олишга уриниш қилган. Бундай саъй-ҳаракатлар авж олмасдан НАТО ўзига тегишли чораларни кўриши мумкин. Бундай хайрли ишларда НАТОнинг тажрибаси катта.

ЗИДДИЯТДАН ҲАМКОРЛИК ЯХШИ

АФРИКА қитъасидаги оловли нуқталардан бири бўлган Конго Демократик Республикасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият ҳанузгача исталган изга тушмаётир. Қўшни мамлакатлар давлат бошлиқларининг бу масалани ижобий ҳал этиш борасидаги уринишлари ҳам зое кетганга ўхшаяпти. Ана шу умумий фикрлардан келиб чиқилди, чоғи, Претория шаҳридаги Жанубий Африка Тараққиёти Ҳамжамияти (ЖАТҲ)га аъзо мамлакатлар раҳбарлари тавсияси билан Конго Демократик Республикасидаги қуролли қарама-қаршиликни тўхтатиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалаларига бағишланган Лусака (Замбия)да учрашув бўлди. Музокараларда Жанубий Африка Республикаси, Зимбабве, Намибия, Ботсвана, Уганда ва Замбия президентлари, шунингдек, ҚДР ҳукумати ҳамда Африка Бирлиги Ташкилоти вакиллари ва ЖАТҲга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари қатнашдилар.

ИШ ЧАППАСИГА КЕТДИ

КАМБОЖАНИНГ Сиануквилл шаҳри суди ўзининг тўрт нафар фуқаросини Тайваннинг «Формоза пластик» фирмаси билан ҳамтовоқлик қилишда айблади. Мазкур фирма ўтган йилнинг охирларида Камбожага 3 минг тонна саноат чиқиндиларини олиб кирган эди. Кўп ўтмай бу чиқиндилар орасида заҳарли моддаларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлиб қолди.

Бошида юқоридаги фирма учун ўзининг заҳарли чиқиндиларини иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган Камбожага келтириш қийин кечмади. Пномпень расмий доиралари ортиқча тихирлик қилиб ўтиришгани ҳам йўқ. Аммо, «Формоза пластик»нинг чиқиндилари туфайли одамлар ўла бошлагач, иш чаппасига кетди. Ўртада алоқалар бузилди. «Гринпис» халқаро экологик ташкилоти фаолларининг юқоридаги фирма ҳатти-ҳаракатларини кескин қоралаганлиги дард устига чипқон бўлди.

ТЎХТАНГ, РУХСАТНОМАНГИЗ БОРМИ?!

ХАЛҚДА ўқланган милтиқ бир кунмас-бир кун отилади, деган гап бор. Туркманистон ҳукумати яқинда мамлакатдан чиқиб кетувчилар ва кириб келувчилар учун махсус рухсатномалар — визалар жорий этганлиги маълум эди. Бироқ, куни кеча Туркманистон пойтахтидан Москвага қараб учаётган самолётнинг Ашғабат-Москва рейси бекор қилинди. Бунга 51 нафар йўловчининг мазкур мамлакатдан чиқиб кетиши учун рухсатномалар олмаганликлари сабаб бўлди.

Тайёрагоҳ ва божхона ходимларининг «Тўхтанг, рухсатномангиз борми?» деб берган саволларига аксарият йўловчилар визали тартиб жорий этилганидан хабардор эмасликларини билдирдилар. Шу тарика улар аҳвол ойдинлашгунча, Ашғабат тайёрагоҳида тунашга мажбур бўлдилар.

ДУНЁНИНГ *турли* ГЎШАЛАРИДА

● ХАЛҚАРО «Альфа» станциясининг ҳалокатга учраши мумкинлиги тўғрисидаги совуқ хабар америкалик ва россиялик мутахассисларнинг лабларига учуқ тошириб юборди. Гап шундаки, коинотда «сайр» қилиб юрган Россия ракетасининг алоҳида бир катта парчаси «Альфа» яқинидан учиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бу ҳақда марказий бошқарув қароргоҳидан фазога хабар қилинди. Бироқ коинотдаги станция компьютери Ердан берилган буйруқни бажармади. Буни қарангки, омад чопиб, ракета бўлаги «Альфа»дан етти километр наридан учиб ўтди. Аслида у бир километрлик масофадан ўтиши керак эди. Фазогирлар ҳозирча енгил тин олдилар. Аммо 8700дан зиёд турли ҳил жисмларнинг фазода учиб юрганлигини инобатга олсак, фазогирларнинг тин олиши вақтинчалик бўлиши мумкин.

● ДУНЁНИНГ турли гўшаларидан турли антиқа хабарлар келиб туради. Бундан бир неча йиллар муқаддам аёллар ва эркаклар ўртасида узун соч ўстириш расмга кириб қолган эди. Ўшанда одамлар америкалик Диана сочининг узунлиги 2 метр 59 сантиметр эканлигини, швециялик Скалдфрид Сьоргренники эса 3 метр 20 сантиметр, ҳиндистонлик Свами Пандарасанниники эса 7 метр 92 сантиметр эканлигини эшитиб, ҳайрон қолган эдилар.

Яқинда яна бир янгилик тарқалди. Қалмоғистоннинг Элиста шаҳрида яшовчи Татьяна Письменная деб аталган жувоннинг сочи 2 метр 60 сантиметрга етибди. Татьяна хоним ўз сочи билан фахрланади. У айни кунларда Гиннес рекорди китобига киришдан умидвор бўлиб турибди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИБРАТНОМА

БЎСА ДАРКОР

БИР ЮРТДА бир йигит бор экан. Уни ҳеч кими йўқлиги учун маҳалла қариялари келишиб, уйлантириб қўйишибди. Аввалига улар бир-бирига ширинсўзлик, меҳрибонлик ила яшай бошлашибди. Лекин вақт ўтгач, йигит ўзгариб қолибди. Ўзидан ўзи сал нарсага жиғибийрони чиқиб, хотинига бақирар, танбеҳ бериб, тергайдиган бўлибди. Хотини эрига нима бўлаётганини тушуна олмай, йиғлашдан ўзга чораси йўқ экан. Шу зайлда умрларининг шодон ёшлик онлари ўтиб борар экан.

Бир куни йигит ишдан келса, уйда хотини йўқ. Жаҳли чиқиб, бироз койинибди. Хотини келавермагач, қўни-қўшниларникидан дараклаб кўрибди. Кейин аниқ бўлишича, хотини отасиникига бутунлай кетиб қолган экан. Орқасидан боришга йигитнинг ғурури йўл бермабди. Бу воқеа шу орада маҳалла қарияларининг қулоғига етибди. Улар йигитни олдиларига чорлаб, хотини билан ўрталарида нима гап ўтганлигини сўрашибди. Шунда йигит:

— Ҳеч гап ўтгани йўқ, ишдан келсам, уйдан тополмадим, — дебди. Қариялар аввалги кунлари ҳам кетишга бирор сабаб бўладиган гап ўтмаганини эшитишиб, келинни енгилтакликда айблашибди. Шунда қишлоқда Доно бобо деб ном олган қария:

— Қани, ўғлим, оилангда ким устун эди? Хотинингга қандай муомала қилар эдинг? — деб сўрабди, — ҳаммасини яширмай бизга айт. Биз ўзимиз хулоса чиқариб оламиз.

Йигит уйида ўзи ҳукмрон эканлигини, хотинига сўз бермаслигини, тергаб, йўл-йўриқ кўрсатишигача мағрурланиб гапириб берибди. Ҳамма йигитнинг гапларини маъқуллашибди. Доно бобо эса узоқ ўйлаб туриб:

— Ўғлим, — дебди, — айб сенда экан, сенда икки бўса етишмас экан, дебди.

Тўпланган одамлар ҳайрон бўлиб:

— Доно бобо, нега ундай дейсиз? Ахир, у ҳақиқий йигитнинг йўлини тутган-ку! Гапларингизга тушунолмадик, нега айб унда бўлади, бизга ҳам тушунтириб беринг, — дейишибди.

Қария кулиб, жавоб берибди:

— Тўғри, оилада эркак киши бош бўлиши керак, лекин, ҳаддини ҳам билиши керак. Айбини кўрсатган ҳолда босиқлик билан тергамоқ керак. Тўғри, баъзан дўқ қилиб, айбига яраша жазо ҳам бериши керак. Лекин, уйдан чиқарингда, кўчадан келарингда жуфти ҳалолингни бир карра ўпиб қўйишни ҳам унутмаслик керак. Негаки, кетарингда ўпганинг уни уйингга занжирсиз боғлаб қўйганинг. У сени орқангдан қарғаб эмас, алқаб туради, ишларинг ҳам ривожланади. Келарингда ўпганинг — мен сени тергайман, вақти келса, хафа қиламан, лекин, сен кўнглингга олма, мен сен учун меҳнат қиламан, сен учун яшайман, деганинг бўлади.

... Шундан сўнг қариялар ўртага тушиб, йигитнинг хотинини олиб келиб, яраштириб қўйишибди. Йигит ҳам Доно бобо ўгитларига амал қилган ҳолда яшаб, узоқ йиллар умргузаронлик қилган экан.

Хулоса: ҳаётда нималар бўлмайди. Бошга тушганни кўз кўрар, дейишади. Сизлар ҳам Доно бобо айтганидек, ишингизга кетарда, ишингиздан келарда, аёлингизни суюб қўйишни унутманг. Бу аёлингизга озгина эътибор саналиб, оилангизни мустаҳкам бўлишига омил бўлади.

Севдора ЛАТИПОВА.

БОҒЧАДАГИ «ТОМОША»ЛАР

ДАСТЛАБ аёл бу ҳақда ҳеч нарса билмасди. Билмагани ҳам яхши эдию, лекин...

Ҳаммасига шу куни уйга келган меҳмоннинг ўта болажонлиги сабаб бўлди. У аёлнинг боғча ёшидаги қизчасига гап ташлади, қизча индамай бир бурчакда ўйнайверди. Меҳмон бироздан сўнг яна қизиқ-қизиқ сўзлар айтиб, ҳаммагаям илакишиб кетавермайдиган қизалоқнинг кўнглини ахийри топди. Қизча ҳам унга дарров эл бўлиб кетди.

Аёл ошхонада овқат пишириш билан оворайди. Уй эгаси эса негадир ҳаяллярди. Шунда меҳмон чўнтагидан резинка сақич чиқариб қизга тутқазди, сўнг «Хўш, даданг келгунича менга шеър айтиб берасанми?» деди. Қизалоқ «меҳмон амаки»нинг гапини эшитмагандай қўлидаги сақични ҳидлаб кўрди, эринмасдан қоғозини очди. Расмли ёрлиғини кўриб «Вой, зўр экан!» деди. Югуриб ичкарига кирди-да, расмчалар ёпиштирилавериб бир ҳолатга келган дафтарни кўтариб чиқди. Янгисини унга ҳафсала билан ёпиштирди, сўнг меҳмон амакисига жилмайиб қаради. «Акамда бунақаси йўқ!» деб шивирлади. Қизча дафтарни ичкарига олиб кириб кетди-да, бирпасдан сўнг оппоқ янги кўйлакча кийиб чиқди, «мана кўрдингизми?» дегандек жойида гир айланди.

— Жуда чиройли экан-а, ким оберган?

— Ойим боғчадаги байрамимизга оберганлар. Анувчи, биззи боғчада кўп байрам бўлади, ҳаммасига янги кўйлак кийиб борамиз. Ким янги кийиб борса, боғча опам ўшани ёнига чақириб эркалатади, «чиройли бўп кетибсан» деб мақтайди. Янги кўйлак киймаганларга «Ҳа, сенинг ойингни пули йўқми?» дейдилар.

Меҳмон бош чайқаб, кейин дейди: — Шеър ҳам биласанми? Айт!

Қизалоқ уй тўрига бориб тик турганча шеър ўқийди:

Йиғлама қиз, йиғлама,
ёнғоқ чақиб бераман,
Тошбақанинг бўйнига
мунчоқ тақиб бераман!

Қизалоқ «яна айтаверайми» дегандек, меҳмонга бир қараб қўйди-да, давом этди:

Шохга тегманг шохласин,
баргга тегманг баргласин,
Дадажоним байрамга атлас
олиб тахласин,
Мен кияман демасман,
ойижонимга сақласин...

— Бу шеърларни сенга боғча опанг ўргатганми? — деди меҳмон.

— Йўғ, ўртоғим Ферузадан ўрганганман, унга эса ойиси ўргатган. Бизга боғча опам фақат байрамларда шеър айттирадилар!

— Боғчангларда ўйинчоқлар ҳам кўпдир...

Кўзгу

— Ия, сиз ҳечам боғчага бормаганмисиз, — деди ажабланиб қизалоқ, — Биласизми, амаки, боғчадаги ўйинчоқларни бизга сираям беришмайди. Ўзимиз уйдан ўйинчоқларимизни обориб ўйнаймиз. Бир куни кўп амакилар, опалар келишди, ўшанда боғча опа бизни ясантириб, сочларимизни тараб, ўйинчоқларни қўлимизга тутқазишди. Мазза қилиб ўйнадик. Амакилар кетишгач, боғча опа яна уларни йиғиштириб, шкафга тахлаб қўйдилар. Оберинг десак ҳам беришмади...

— Ширин-ширин овқатлар беришадими? — деди меҳмон қизалоқнинг бийрон гапларидан завкланиб.

— Ҳар хил кашалар беришади. Сутли, картошкали, гуручли... Бир куни боғча опа биз ўйнаётган хонага бир тоғора гуруч кўтариб кирдилар. «Паловни яхши кўрасизларми?» деди. «Ҳа, ҳа!» дедик биз. «Гуруч тозалашни биласизларми?» деди. «Йўқ, йўқ!» дедик. «Бўлмаса келинглар, ўргатаман. Ким кўп гуруч тозаласа, ўша эртага энг кўп палов ейди» дедилар. Ҳаммамиз гуручларни тозаладик. Осон экан...

— Вой, сизларей, жуда ажойиб экансизлар-ку! Яна нималар ҳақида гапириб берасан, қизалоқ?

— Театрлар ҳам бўп туради, шуни айтсам, ҳозир роса куласиз. Боғча опам «Эртага қўғирчоқ театри бўлади, пул олиб келинглар!» деб ҳар биримизнинг қўлларимизга «45 сўм» деб ручкада ёздилар. Эсимиздан чиқиб кетмасин дедилар-да. Чиройли кийимлар кийдик эртасига, лекин театрчилар келишмади. Шунда боғча опа «ҳозир уларни чақирамиз» дедилар. Кейин мўйлов ёпиштирган «мушук хола» билан узун думли «тулки хола» келиб бизга томоша кўрсатишди. Шунда Сирожиддин «Вой, қаранглар анови мушук хола бизнинг боғча опа-ку!» деди. Яхшилаб қарасак, тўғри экан. Тулки хола эса қўшни группанинг боғча опаси экан. Шуни кўрғач кула-кула ухлашга ётдик.

— Дарров ухлаб қоласизларми, боғчада?

— Ҳечам-да! Овқатдан сўнг боғча опалар бир-бирини чақиришади. Биззи опа «Ҳозир манавиларни тинчитай, кейин чиқаман» дейдилар. Бизга «Қани ухланглар!» дейиши билан кўзларимизни махкам юмиб оламиз. Боғча опа секингина устимиздан қуфлаб, чиқиб кетадилар.

Иннакейин ўрнимиздан туришиб, каровотлардаги ёстиқларни бир жойга тахлаб, устидан ошиб ўтишни машқ қиламиз.

— Боғчанглар зўр экан-а! Менам борсам бўладими? — дейди меҳмон кулгидан ўзини тўхтатолмай.

Қизалоқ амакига бошдан оёқ бир кўр қараб олади-да, сўнг бош чайқайди:

— Э, йўқ, сиз бизнинг стулчаларимизга сиғмайсиз!

...Ошхонада юмуш қилаётиб бу суҳбатни обдон эшитиб олган аёл негадир ўйга чўмиб қолади. У қизнинг ҳар куни «Дам олишга қанча қолди?» деб сўрайвериши, эрталаб боғча дарвозаси ёнида ойисига маъюс термулиб қолишининг боисини энди тушунгандек эди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

СЎЛИМ ТОҒЛАР БАҒРИДА

ЁЗ келиши билан Бўстонлиқ туманидаги соя-салқин жойлар юртимизнинг келажаги бўлган болалар ихтиёрига берилади. Улар бу ерда бутун ёз бўйи мириқиб дам олишади, янги ўқув йилига янги куч-ғайрат билан келишади. «Автомобилчи» оромгоҳи бу йил 400 болани ўз бағрига олди. Ҳозир ҳордиқ масканида биринчи гуруҳ қатнашчилари ёз гаштини сурмоқда.

— Масканимизда, — деб ҳикоя қилади оромгоҳ раҳбари Йўлдош Очилов, — ёш авлодимиз қувнаб дам олишмоқда. Олти гектарлик ҳудуддаги уч минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар соясида турли ўйинлар, кўнгилочар томошалар авжида. Болажонларимиз ҳеч нимадан камчилик кўришмаяпти. Улар олти маҳал иссиқ овқат билан таъминланганлар. Шахмат ва шашка, бичиш-тикиш, расм чизиш, мусиқа каби турли тўгараклар, кутубхона мунтазам иш олиб бормоқда.

— Кутубхонамизда 2 мингдан ортиқ китоблар бор, — деб суҳбатга қўшилди Бахтихон Иброҳимова, — болажонларимиздаги билимга чанқоқликдан жуда хурсандман. Шу кеча-кундузда «Мен севган китоб» мавзуидаги китобхонлар анжуманига қизғин тайёрланяпмиз.

Болалар севган яна бир машғулот — тоғларга саёҳатдир. Худди моҳир сайёҳлардек тоғу-тошлар орасидан ўтиб, чўққилар сари йўл олиш ёш юракларга бир олам завқ-шавқ бағишлайди. Айни пайтда уларнинг иродасини ҳам тоблайди.

«Автомобилчи» болалар оромгоҳи бағрида то ёз тугагунича шу таҳлит жўшқин ҳаёт ҳукм суради.

СУРАТЛАРДА: дам олиш масканида ҳордиқ чиқараётган бир гуруҳ болалар; тоғлар чорлайди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан

СЎНГГИ АЛАНГА

Несавий ёшларини пўстини ёқасининг бир учига артар, кафтлари билан тўхтовсиз гўдакнинг яноқларини меҳр ила сийпаларди. Айни шундай ўта оғир дамларда жажжи Жамолиддин учун ҳам азиз устози, яқин туғишгани бўлмиш Несавийдан ўзга биронта меҳрибон кишиси қолмаганди.

— Улуғ устоз! — деди аста шивирлаб Жамолиддин. — Биз энди қаерга кетадурмиз? Падари бузрукворим, анажоним, волидаларим қай ердадурлар?..

— Билмадим, жигаргўшам. Билолмадим, жоним қулуним, била олмадим!.. — Несавийнинг шундоғам зўр қайғудан тилка-пора бўлиб тугаёзган юраги боланинг сўзидан баттар эзилди.

— Анови ўлтурғон қизил соқоллиқ чол кимдур?

Боланинг бу сўзларига нима дейишини ҳам билолмаган муаррих Несавийнинг ўпкаси яна-да, тўлиб кетди. Нафаси қисилиб, қалби денгиздай баттар ғалаёнга келди. Бироқ, шундай оғир ҳолатда бўлса-да, у ўзини базўр тутишга тиришарди.

— Ҳозир... Ҳозир бир сўз айтуб бўлмайдур, менинг доно боҳодир шаҳзодам! — дея олди меҳри дарё Несавий яқин атрофдагилар эшитмайдиган қилиб, мулойимлик билан, уни маҳкам қучоқлаган қўйи.

Худди шу пайтларга келиб, мўғулларнинг ноғоралари гумбирлай бошлади. Қудратли ва қаҳрли мўғул ҳоқони ўзининг энг яқин кишиси, ўнг қўли бўлмиш амакиваччаси боҳодир Қорачор нўён ҳамда ясовуллари тилмочи билан дастлаб хоразмлик асир жангчилар олдига келди ва уларга диққат қилиб бир-бир назар ташлади. Тилмочининг тушинтириши бўйича у, асирлар қуршовида турган довюрак паҳлавон юзбоши Қиличбийга бир муддат алоҳида эътибор билан қаради. «Булар ҳаётда камдан кам учрайдурғон чинакам қаҳрамон, улуғ боҳодирлар эркан. Менинг навкарларим фидойилик, жасурлиқ ила муҳораба қилмоқни аслан мана шулардин ўрганмоқлари керак!!» — дея ичидан ўтказди.

Қиличбий ва бошқа йигитлар ҳам шундоқ рўпараларида турган нафақат юзи ва қарашларидан, балки, бутун вужудидан ҳам ажал ёғилиб турувчи, қизғиш бароқ соқолли, қари ва лекин ҳали бақувват, барзанги мўғул ҳукмдорига ўзларининг жамики бор қасосли нафратлари билан қараб турардилар.

Чингизхон Қиличбийга қараб:

— Сен сарт, магар менга хизмат қилсанг, йигитларинг ҳам ўзинг бирлан бўлур ва мен сени нўёнлиқ мартабасинга кўтарурмен, даги менинг энг эътиборлиқ, инобатлиқ кишиларимдин бўлурсен. Ҳамда ҳамиша иззат-икромда бўлурсен, мол-дунёга эга бўлуб роҳат-фароғатда яшайдурсен, — деди.

— Гарчи, сен соҳибқирон эрсанг-да, шуни яхши билиб қўйғилким, биз сотқинлардин эрмасмиз! Фақат мунофиқларғина ўз ватани, халқиға хиёнат қилур! Бундай ишлар бизларга ўлимдин ҳам баттардур! — дея, жавоб қайтарди ҳоқоннинг сўзига дадил ва кескин қилиб Қиличбий.

Зеро, дағал ва қўполлик билан қилинган бўлса-да, бундай жавоб ҳоқонга манзур бўлганди.

Чингизхон асирларга хўмрайиб қараб турган қийиқ кўз, узунчоқ юздан келган қирра бурун, сийрак соқолли Қорачор нўёнига юзини буриб деди:

— Бўрини қўлга ўргатса бўлур, аммо, бундайларни, ҳеч қачон!

— Оре, ҳақ гапни айтмушсиз менинг ҳоқоним. Бул сартовулликлар ўзи азалдин шундай саркаш, бўюн товлағувчилардур. Алар ҳеч кимга, ҳеч қачон эл бўлмаслар, — деди боҳодир Қорачор нўён. Шундан кейин Чингизхон яна қасоскорларга ёввойиларча боққан ҳолда бир муддат унсиз тек қолгач, сўзини давом эттирди:

— Сен сарт, элингнинг дарҳақиқатан муносиб фарзанди, исминг жисмингга яраширлиқ ҳақиқий довюрак ботир жангчи эркансен! Йигитларинг ҳам шундай ботирлардур. Мен ҳам жангчимен ва шундай душманни тан оламен! Шул боис, бугунги оламшумул зафар қучғон саодатлиқ онларда мен сенинг ва сенинг барча йигитларингнинг қонларидин ўтдим! Сенлар озоддурсизлар, — деди. Унинг ёнида турган тилмоч, мўғул ҳоқонининг айтганларини Қиличбий ҳамда унинг йигитлари эшитадиган тарзда айнан ўгирди...

Бироздан сўнг, ҳоқон ишораси билан бир мўғул чериғи келиб, Несавийнинг бағридан болани юлиб олди-да, уни келтириб Чингизхонга рўпара қилди. Боланинг нигоҳи йўғон сарғиш юз, қизил бароқ соқоллиқ баджаҳл кўринишдаги чолга, унинг атрофида ғуж бўлиб турган тумонат халойиққа тушди: «Анам айтиб берғон «яъжуж-маъжуж»лар шулар эрканда, — маъюс кўнглидан ўтказди у. Бола бояқишнинг гулдай чеҳраси бирдан сўлғин тортиб, мунғайиб қолди. Шу зоҳотиёқ онаси, бувижонисини шундай таърифга сиғмайдиган даражада чунонам соғиниб кетдики, мурғак юраги бундай айриликка дош беролмай пора-пора бўлди ва беихтиёр инграб юборди. Туғулган она юрти Урганчни энди бир умрга қайта сира кўролмаслигини ҳиссиётли зукко жажжи ўғлон бутун вужуди билан чуқур ҳис этаркан, бўталоқ кўзларидан гўё баланд тоғдан оқиб тушаётган шалола сингари дурилаб ёш тўкилди ва беғубор, айни пайтда изтироб туфайли қони қочган лўппи юзларини ювиб туша бошлади. У асло қўрққанидан эмас, балки, кажрафтор чархий фалакнинг шафқатсизлиги, беаёвлиги, терс келган қисмати шўрлигидан йиғларди. «Қаердасиз эй менинг меҳрибон, азиз анажоним, волидагинам, падари бузрукворим!.. Қаердасизлар?! — дея, тил билан баён қилиб бўлмайдиган кучли дард ила бўзларди ичидан.

Шер чангалига тушган кийик боласига ўзининг барра луқмасига ажал кўзини қадагандек, ҳоқон дуркингина хушбичим гўдакнинг ичидаги бор ўйини уқиб олмоқчидай, бир муддат унинг анча синиқиб қолган маъсум чеҳрасига, бегуноҳ оҳу кўзларига, тим қора сурдай жингалак сочига еб қўйгудай тикилиб турди-да:

— Минг қилса ҳам йиртқичнинг боласи йиртқич бўлади. Мен бу шербаччани ҳозир қўйиб юборсам, сўнг, вақти келуб, улғайиб, отасининг ўрнин сўзсиз босур ва унда, менинг авлодларимни бир бошдин сўюр.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ

O'ZBEKISTON VIII 1999 CHEMPIONATI

ПЕШҚАДАМЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИЛАР

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон Республикаси VIII миллий чемпионатида иштирок этувчи олий табақа жамоалари биринчи давранинг сўнгги ўн бешинчи учрашувини ўтказдилар. Саккиз учрашувда дарвозаларга 32 тўп киритилди. Бу олдинги турга нисбатан икки баравар кўпдир. Фарғонадаги «Нефтчи» ва «Дўстлик» учрашуви турнинг марказий учрашуви бўлди. Афсуски чемпионат пешқадами «Дўстлик» жамоаси бу ўйинда майдон эгаларига ғалабани бой берди. «Дўстлик» жамоаси ҳимоячилари қўпол хатога йўл қўйгандан сўнг ҳисоб очилди. Белгиланган 11 метрлик жарима тўпини Сергей Лебедев дарвозага аниқ йўналтирди. «Дўстлик» жамоасига киритилган иккинчи тўп Илья Коваленко номига ёзилди. Учрашувдаги сўнгги тўпнинг «муаллифи» ҳужумчи Умид Исоқов бўлиб, ҳисобни 3:0га етказди.

Чемпионатнинг иккинчи пешқадами «Самарқанд» жамоаси Қўқонда «Темирйўлчи»га қарши майдонга тушди. Майдон эгалари ўйин бошиданоқ ҳужумга зўр бериб ташаббусни қўлга олдилар. Лекин самара кўринмади. Меҳмонлар ҳужумларини унумли якунлай олмадилар. Натижада, тенг курашлар остида ўтган учрашув 0:0 ҳисоби билан якунланди.

Вилоятимизнинг олий табақадаги иккинчи вакили «Металлург» эса ўз майдонида «Андижон»ни қабул қилиб мухлисларини хушнуд этди. Улар учта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан атиги битта тўп ўтказиб юбордилар. «Металлург» 15 ўйиндан 23 очко тўплаб, еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

«Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Сурхон» билан учрашди. Бу ўйинда термизликлар фаол ҳаракат қилсаларда, беллашувни мағлубият билан якунлашга мажбур бўлдилар. Учрашувда Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов ва Александр Писаревлар иккитадан тўп киритиб, 6:1 ҳисобида йирик ғалабани ва муҳим 3 очкони қўлга киритдилар. Шу тариқа «Пахтакор» ҳам 15 учрашувдан 23 очко тўплаб кучли олтиликдан ўрин олди.

Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси ўз майдонида «Трактор»ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва 27 ҳол билан жадвалда учинчи ўринга кўтарилди. «Янгиер» — «Хоразм» учрашувида 1:2 ҳисоби қайд этилди. «Хоразм» 26 очко билан бешинчи ўринга чиқиб олди. Бухорода майдон эгалари «Насаф»ни қабул қилди. Ўйин 5:1 ҳисобида якунланди. «Суғдиёна» — «Зарафшон» учрашувида ҳам йирик ҳисоб қайд этилди: 4:1.

Биринчи давра ўйинларидан сўнг чемпионатда бир ойлик танаффус эълон қилинди. Иккинчи давра 1 августда бошланади. Шу куни «Дўстлик» «Нефтчи»ни ўз майдонида қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

ҚОИДАНИ БУЗГАНИ УЧУН

Пушаймондан фойда йўқ

Тун. Тиқ этган шабада йўқ, теварак-атроф сукутга чўмган. Сув юзида мотори ўчирилган қайиқнинг билинар-билинмас акси оҳиста сузиб бормоқда. Уни давлат биология назорати Арнасой бўлинмаси нозири Усмон Нуъмонов бошқарянти. Унинг бутун вужуди кулоққа айланган, ҳар бир шитирлашга, сувнинг шопиллашига эътибор беради. Нозир бирдан узоқда сувнинг шубҳали шопиллаганини эшитди. Бу балиқни тўрдан олишдаги товуш эканлигини пайқади.

Тунги сукунатни мотор товуши бузди ва отилган ракета теварак атрофни ёритиб юборди. Давлат нозири бир зумда бегона қайиқ ёнида пайдо бўлди.

Унда зараркунанда ўтирарди. Нозирни тўсатдан ёнида қандай пайдо бўлганлигини пайқамай қолган қонун бузувчи саросимага тушди. У нозирга дўқ қилиб кўрди, ялинди, бироқ, иш чиқмади. Гуноҳи катта эди. Унинг қайиғи ичида бир нечта балиқ жонсиз ётарди. Уларни санаб кўришга тўғри келди. 15та йирик зоғорабалиқ, тўртта каттагина лаққа балиқ амалдаги тартибга амал қилинмай тутилган эди.

Қонун бузувчи Чилонзорда яшовчи А. Медведов бўлиб чиқди. У шаҳардан 200 километр узоқликдаги сув ҳавзасига текин даромад учун келган эди. «Тошкишлоқхўжаликмаш» заводининг дам олиш минтақасида ўзининг нопок ниятини амалга оширмоқчи бўлганди. Лекин, у чучварани ҳом санаган экан. Нозир Усмон Нуъмонов ва ёрдамчиларининг сезгирлигидан қочиб қутула олмади.

Балиқ овлаш тартибига амал қилишни ўзига эп билмаган А. Медведовнинг қилмиши ўзига қимматга тушди. У балиқ заҳираларига етказган зарари учун 25 минг 80 сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди, бундан ташқари балиқ овлаш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жазога тортилиб, ундан яна 1 минг 320 сўм жарима ундирилди. Бу воқеа унга сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

М. МАХМУТОВ.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 23-27 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12, баъзи ҳудудларда эса 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари 31-36 даража иссиқ бўлиши мумкин. Ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилиб, кундуз кунлари 34-39 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Шорасил» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Самолётний кўчаси, 23-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир ўринбосари Раҳимберди УМАРОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0443. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6